Кучли томонлари. Яхши дидли, мийёрни биладиган, барча маҳсулотларнинг сифатини яхши баҳолаб, унинг қайси томонлари сизга тўғри келиш – келмаслигини майда – чўйдаларигача изоҳлаб беради. Одамларга нисбатан эътиборли ва жонкуяр, уларга яхши шароит яратади. Мулозаматли, ҳар қандай одамни керакли ва фойдали ишга жалб эта олади. Ҳордиқ чиқаришни яхши кўради. Ҳаёт қувончларидан лаззатланишни қадрлайди. Қиладиган иш қизиқарли, ёқимли ва катта ҳақ тўланадиган бўлса, у ишни аъло даражада, сифатли қилиб, дид билан, чин дилдан бажаради. Ҳар қандай вазиятда мийёрни йўқотмасликка ҳаоракат қилади. Кўп нарсага ўзининг кучи билан эришишни яхши кўради. Бошқа одамларнинг аҳволини, ҳолатини яхши ҳис қилади ва суҳбатдошига асон мослашади. Доим очиқ кунгиллик билан кириши кетувчи, жуда эътиборли шахс. Яхши таъминланган ҳаётга интилиб яшайди. Ўзининг иродавий ҳаракатларини бировга юклашни ёмон кўради. Танқидни, бировларни ғийбат қилиб орқасидан гапирадиганларни ёқтирмайди.

Муаммолари. Қатъий ишбилармонлик фаолиятига қийинчилик билан эришади. Ҳар доим ҳаракатда бўлишни ёқтирмайди. Бироз бўшангроқ, тарқоқ

фикрли бўлиши мумкин. Тез ҳафа бўлиб, “Ичимдагини топ” ҳилидан. Агар тинчи бузилса, ўз қаршилигини билдиради, бундай пайтда жаҳли чиқиб гап қайтариши мумкин. Бироз дангасароқ (айниқса қиладиган ишига қизиқиш уйғонмаса, унга фойдаси тегмаса) фақат айёрлик қилиш мумкин (пайсалга солади). Бекор ҳарака т қилиб, вақт кетказишни ўзига эп билмайди. Кўпиртириб ошириб – тоширишни ёмон кўради, кўпроқ аниқ далил ва фактларга суянади. Бошлиқлардан узоқ юришга, зерикарли ва ишга аҳамияти йўқ суҳбатлардан нарироқ бўлишга ҳаракат қилади. Сал иродасизроқ. Қатъият билан айтганини қилдира олмайди. Қилигнадиган ишни фойдасига ҳал қилишни қийинчилик билан кечади. Ёмон кайфият унинг ишлаш қобилиятини сусайтиради. Ҳар доим ўзини билағон, қулидан ҳамма иш келадиган қилиб кўрсатиши мумкин.

Ундан талаб қилиб бўлмайди.

- диом юқори иш фаоллигини :
- ишнинг бир бошдан ,ташкilotчилик билан олиб борилишини,
- мурасасизлик билан ишни ўз фойдасига ҳал қилишни;
- кўпчилик бошқариш ва вазифаларни аниқ бўлиб беришни;
- қийин ва ҳафли вазиятларда иш олиб боришни;

Психокоррекция усуллари—ўзини босиб олган,тажрибали жамоадошлар орасида ишлаш,ютуқларга эътибор бериш.Ҳаракатларни қўллаб қувватлаш

Улар учун энг маъқул йўналиш.

Улар ўзини ижтимоий муҳитда яхши намоён қила оладилар. Аниқ ва конкрет равишда алоҳида олинган одамга хизмат қилишда (ҳайдовчи, котиб) яхши натижаларга эришиши мумкин.

- алоқачи, диспечер, иштимоий-педагогик фаолият. Вояга етмаганлар билан ишлаш хазмати, таъсминот бўлими (тиббий бўлиб, молия).
- ЖИЭМ, ХЧК умумий юналишларда бир маромда бажариладиган иш ҳажми мийёрлаштирилган, тезкор хизмат билан боғланмаган, жавобгарлик кам талаб этиладига фаолият.

Дидли, Сезгир, Рационал, Экстраверт, 3-Энтузиаст

Кучли томонлари. Ҳаракатчан, ҳаётга илғор назар ташлайди. Одамларга этиборли ва ҳамдард, маънавий ва моддий қийналганларга ёрдам беришга тайёр. Бошқаларнинг ҳиссий аҳволини яхши тушунади. Иш юзасидан ва шахсий муносабатларда таниш орттиришга уста. Вақтини бекор ўтказишга қарши, доим кийинга қолдириб бўлмайдиган ишлар билан банд. Келажаги порлоқ. Келгусида йўлга қўйса бўлладиган ишлари билан қизиқади. Жуда дидли. Суҳбатдошини ўзига қарата оладиган, хушмуомала ва хушфеъл. Ҳаётда ҳеч кимга ишонмайди “ Кўп нарсга ўз кучи билан эришишни мақсад қилиб олган”. Ҳар қандай ишни тез ва гувоҳларсиз бажаришни ёқтиради. Жуда қатъиятли, ишонч билан ҳаракатланади (айниқса эстримал вазиятларда унга қарши хужум уюштирилганда ва вақт тифизлик қилганди). Одамларнинг маслаҳат ва насиҳатларини мақуллайди-ю, лекин ўз билганидан қолмайди. Ҳар қандай амалий ишни муваффақиятли тугатади. Лекин қилган иши ва топшириқларни қадрлашларини ёқтиради. Касбдошлари ва ёр-биродарларига жонкуяр, доим бир маъромда, яхши таъминланган ҳаётга, хизматдошлари орасида ҳурмат қозонишга интилади.

Муаммолари. Кўпинча ёмон таассуротлари, ҳиссиётларини йиғиб юради, эсидан чиқара олмайди, агар кўп йиғилиб кетса (кетма кет иши юришмаса) ўзидан чиқиб кетади, кўп сиқилади, олишиб кетиши мумкин, кийин унинг орқасидан касал бўлади. Ҳиссий тўлқинланишсиз суҳбатдоши билан кўп суҳбатлаша олмайди. Шунинг учун “сув тошса тупиғига чиқмайдиган” одамлар билан мураса қилиши қийин кечади. Серҳаражат, ҳар доим қиладиган ишини олдиндан фойдали, кераклигини ҳисобга олиб ҳаракат қилади. Вақтини яхши ҳисобга олмайди. Ўзини ортиқча қийнаб, кўпинча энг муҳимидан иккинчи даражалигини қийинчилик билан

ажратади. Ўзининг ишбилармонлик хусусиятларини яхши баҳолай олмайди . кутишни жуда ёмон кўради, унга қолса ишни тезроқ бошлаб тезроқ тугатса.

Ундан талаб қилиб бўлмайдиган:

- совуққонликни, ҳар доим ақл билан, ҳар томонлама иш қилиш ва одамларга тўғри муносабатда бўлиши;
- ўзгарувчан ҳулқ атвор ва шароитга тез мослашишни;
- одамлар билан қатъийлик билан муросасиз муносабатда бўлишни;

Коррекция усуллари - ўзига ишонч ҳиссини шакллантириш. Бошланғич босқичда фаолият натижасини назорат қилиш орқали фаолият самарасини ошириш мумкин.

Улар учун энг мақул йўналиш:

- тезкорлик, вазиятда аниқ йўналиш ола билиш талаб этиладиган хизмат йўналишлари;
- патрул-пост, қуриқлаш, ЁХХ йўналишларида фаолият самараси йўқори бўлади;
- ташкилий ишлар билан шуғулланиш, иэтимойй суровлар соҳасида, таъминот бўлимида.

Мантиқий ҳис қилувчи рационал-интерроверт, 4-аналитик

Кучли томонлари. Мантиқий фикрлаш, изланиш қобилиятига эга. Ўрганилаётган нарсаларнинг энг муҳим ва иккинчи даражалиларини тез ажратиб олади. Ҳамма нарсани умумийлаштиришни ёқтиради, схема, тизим, классификацияларни яхши тушунади. Қилинадиган ишни натижасини олдиндан била туриб ҳаракат қилади, имкониятларини қўлдан чиқармаслиги учун, келиб чиқиши мумкин бўлган шароитларни қўрқмасдан дангал кўрсатиб беради. Тартиб ва интизомга раҳбарнинг тазйиқи ортида эсмас балки шахсий маъсулият иймон, виждон қонунларига асосланиб эриши тарафдори. Аслида жуда меҳрибон бўлгани билан хизмат вазифасини шахсий ҳаётидан устун қўяди. Гапининг устидан чиқадиган шахс ҳар доим ва ҳар қанақасига ҳақиқат, тартиб, интизом ўрнатишга ҳаракат қилади. Яхши маъхрўзачи, фикрини тингловчига аниқ ва дангал қилиб етказа олади. Бировга қарам бўлишни ёмон кўради, лекин ширинсўз ва яхши муомала билан йўлга солиш мумкин. Вақтга тежамкор. Маъросим ва учрашувларга доим вақтида келади. Жуда эҳтиёткор, бўладиган ҳавфни олдиндан сезади. Кўпинча асабийлашиш тез жаҳли чиқади. Тўғри сўз ва турли хил дунё қарашларга сабр тоқатли.

Муаммолаори. Ўзаро муносабатларда бўйсунмайди. Ўзига мақул мавзуда суҳбатлашишни ёқтиради, уни қизиқтирмаган мавзуларни эътиборсиз ўтказиб юборади. Жуда бўлмаган вақтларда вақти йўқлигини айтиб ўзини четга тортади. Бараварига бир неча ишни қилишни хохламайди, қайсарлик қилиб муросага келиши қийин. Устидан ҳужайинчилик қилишганига чидолмайди. Совуққонлик билан иродавий босимларни четлаб ўтади. Эркинлигини чегаралашганини ёмон кўради, асоссиз талб қўйиши мумкин.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

- катта амалий куч ғайратни;
- суҳбатдошга ҳиссиёт билан киришиб кетишни;
- ўзи учун қизиқ бўлмаган кундалик вазифаларни яхшилаб бажаришини;
- уддабуронлик;
- ҳар қанақасига “йўл топиш” хусусиятини.

Психокоррекция усуллари - билимдонликка йўл қўймаслик. Етакчилик қилишга имкон яратиш, маданийлик хусусиятларини шакллантириш.

Улар учун энг мақул йўналиш:

- илмий билиш, изланиш соҳасида (мураккаб ўзгаришлар, объектлар) амалиётда қўлласа бўладиган янгиликлар, ихтиролар яратиш, техник илмий

таъминот;

- тизимни текширув ва ўрганиш талаб қилинадиган ишлар, экспертиза бўлими, назорат бўлими (молия);
- тергов хизмати, ХЧК, ППХ, ЙПХда мустақил қарор қабул қилиш мумкин бўлган фаолият йўналишларида;
- тезкор қидирув, тезкор хизмат соҳаларида маҳсус топшириқлар билан банд этиш мувофиқ.

Мантиқий сезгир Ирроционал экстрверт, 5-лидер

Кучли томонлари. Одамлар орасида ҳар томонлама устунлик қила олиш қобилияти билан фарқланади. Иродали, маълум нарсага бор кучини қарата олади. Тезкорлиги ва чидамлилиги уйғунлашади. Кўпчиликни бошқара олиш хусусиятига эга, ўзгарувчан вазиятларга тез мослашувчан. Муҳим, зарур ечимларни жойида ва тез қабул қила олади. Имкониятлари тезкор, яқин орадаги мақсадларга қаоратилган, мослашувчан ва принципиал. Ҳаракатчан ва ишбилармон, ишни амалга ошириш давомида жуда катта самарадорликка эга бўлади. Бебаҳо ақлий тафаккур эгаси. Ўзи ва яқинларининг талаблари ва хохишларини амалга оширишда талабчан. Яхши таъминланган яхши шароитга интилиб яшайди. Кенгроқ ва кўпроқ ҳаракат қилиш тарфдори, ҳар томонлама ўйлаб, ақлан ишлаб чиқиб, қатъий режа асосида иш юритади. Мақсад сари интилувчан, амалиётда устамон. Ақл билан иш кўрибгина яшаш мумкин. Ишни шахсий манфаатларидан устун қуяди. Ўзини ҳар қандай вазиятда яхши тутиб тура олади, кутилмаган вазиятлардан осон чиқиб кетади.

Муаммолари. Жуда қайсар, одамлар билан бир хилда муроса қилиб муомала қилиш қийинчилик туғдиради. Беқарор, қурқмасдан ҳаракат қила олмайдиган инсонлардан нафратланади. Буйруқ тарзида гапириладиган оҳангни ёмон кўради. Агар бирорта одам унга қарши чиқадиган бўлса дарҳол қаттиқ чора кўриши мумкин. Ўзини жуда яхши кўради, жаҳли чиққанда, хато ва камчилликларига тоқат қила олмайди. Кунглига ўтирмаган одамларига оғир шароит яратади. Шахсий ҳаётида буш келмайди, ҳамма нарсани ўзининг кунглидагидек қилишга ҳаракат қилади. Янги келган одамларга нисбатан эҳтиёткор, илмоқли саволлар бериб, уларнинг имкониятлари, ким ва нимага қодир эканликларини билиб олади. Ўз мақсади йўлида, бошқаларнинг хохишлари билан қизиқмайди. Кайфияти ва ишлаш қобилияти ўзгарувчанликка мойил (гоҳ яхши, гоҳ ямон).

Ундан талаб ыилиб бшлмайди:

- қилинадиган ишнинг кетма-кетлигини;
- юмшоқлик билан,жаҳл қилмасдан муроса қилишни;
- бекорга ниманидир қилиши.

Психокоррекция усуллари.Муомалада босиқлик ва аниқ қикр билдириш.Ташкилотчилик имкониятини яратиш,вазифаларнинг бажарилишини назоратдан қолдирмаслик.

Улар учун энг маъқул йўналиш:

-Кўпчиликни бошқариш вазифаларни тақсимлаб беришга уста.Ташкил қилинмоқчи булган тизимни майда-чуйдаларигача ишлаб чиқиб, кетма-кетликда йўлга қуйиши мумкин.Нафақат ўз атрофидаги энг яхши ва устамон инсонларни амалда синаб кўриб йиғиб олиши,балки уларни кучли ирода ва ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам чизган чизиғида ушлашга ҳаракат қилади:

-ташкилий фаолият йўналишларида,қисм,бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларида, айниқса шахсий таркиб билан ишлаш бўлимида ўзларини тўлиқ намоён қила олишади.

-ППХ,ЙПХқўриқлаш ва бошқа хизматлар йўналишларида,тезкор хизмат,штаб бўлими,катта ва ўрта таркибдаги гуруҳларни назорат қилиш ва иш тақсимлаш билан боғлиқ йўналишларга тавсия қилинади.

Дидли,ҳис қилувчи,иррационал-интроверт,6-лирик

Кучли томонлари. Ҳиссиётли, ўзига одамларнинг эътиборини тортивчи, кўнгли бўш, одобли шахс. Оламни нозиклик билан идрок қила олади. Кўпинча гуманитар қизиқишлари кучли ривожланган бўлади. Инсонларга нисбатан зийрак, эътиборли, ҳамма билан бир хилда муносабатда бўлишга ҳаракат қилади. Одамларнинг камчиликларига сабр-тоқат билан муносабатда бўлади. Келажакка ишонч билан илғор назар ташлайди. Бироз хаёлпарастроқ, келишувчан, матонат билан сабр қила олади, кечиримли. Олдиндан кура олиш хусусиятига эга. Қиладиган ишининг келажакдан ташвишланади, лекин сиртдан кўрсатмасликка ҳаракат қилади. Аниқ кўрсатмалар бера оладиган обрў-эътиборли ва салобатли одамларни ҳурмат қилади. Қилинадиган ишнинг манфаати юзасидан яхши дипломатик хусусиятларни намоён қилиб, камтарлиги ва хушмуомалалиги билан одамларни ўзига қарата олади. Дилкаш ва яхшигина ҳазилкашдир. Истаган одамни ўзига лол қила олади. Ҳар қандай одамнинг кўнглига алоҳида йўл топади. Хатти-ҳаракатларидаги кўркемликни, гавда тутишини, яхши муомаласини очик намоён қилади.

Муаммолари: Ички хафачилик билан доим ўзга-ўзи қарши чиқади. Унчалик ўзига ишонмайди, бирор муаммони хал қилишда хафсираш ва иккиланишга мойил. Уни ишга қизиқтириш керак, ҳар доим иқтисодий, ижтимоий ва руҳан қўллаб-қувватлаб туришга муҳтож. Паришонхотирлигидан берган вадасини доим эсдан чиқариб қўяди. Иш қилаётганида майда-чуйдаларига алаҳсиб кетиб, кўпинча ишини ўз муддатида бажара олмай қолади. Қатъий қоидалар, ахёқона кўрсатмавайўриқларга бўйсинишни ёмон кўради. Тежамкорлик ва зийракликка қийинчилик билан эришади. Иш жойи ва уйда кўпроқ "ижодий" тартибсиз. Эзма, майда-чуйдаларга қизғанчиқлик қилиб, ўралашиб юрадиганларни ёмон кўради. Қилган ишини танқид қилишларини кўтара олмайди. Ҳаёти уйдаги ташвишларитўғрисида ҳаммага гапиришни, ўзига ҳамдард, ҳамфикр бўлишларини, ачинишларини истайди.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

- доим иш унимдорлигини;
- ривожланган аниқликни;
- тез ва аниқ ишлашни;
- аҳволни яхшилаб таҳлил қилишни;
- кўпчилик бошқариш ва вазифаларни тақсимлашни;

Психокоррекция усуллари-кўйилган вазифаларнинг аҳамиятли тарафларини намоён қилган ҳолдатоппириқ бериш.

Улар учун энг маъқул йўналиш.

- гуманитар йўналишда ишлагани маъқул. У кўпчилик одамлар билан мулозаматли мулоқатда бўладиган жойда ўз ўрнини топади. Улардан яхши котиблар, таржимонлар, кутубхоначилар, журналистлар, матн муҳарирлари етишиб чиқади;
- танлаган йўналишда, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимида, ижтимоий-педагогик фаолиятда, ЖИЭМ, ички ишлар идораларида, ўқув юртларида иш юритувчи, котибиятда, таъминот бўлими (молия, тиббиёт, гараж, омборхона) йўналишларида мувафаққиятли фаолият олиб боришади.

Дидли, ҳис қилувчи, рационал-экстраверт, 7-наставник (устоз)

Кучли томонлари. Ҳиссиётли, атрофдагиларнинг кайфиятларини нозик ҳис қила олади. Товуш ўзгартириш ва нозик қарашлар билан ўз ҳиссиётларини яққол намоён қила олади. Ҳис-туйғулари билан одамларни лол қолдириб, ортинан муайян руҳий ҳолатга тушуриши мумкин. Маълум вазиятларда келиб чиқадиган муоммолардан хафсирайди, уларнинг олдини олиш мақсадида олдиндан чоралар кўриб юради. Жуда эҳтиёткор ва узоқни кўра олади, маросимларни вақтида ва жойида ташкиллаштира олади. Одамларнинг чексиз қобилиятлари ва

имкониятларига ишонади.Инсонларнинг нега ўзини шундай тутишларига қараб,хулқ-атворини тушунишга ҳаракат қилади,руҳан қуллаб-қувватлаб, уларга устоз, тарбиячи сифатида ёрдам беришга интилади.Маъсулиятли ва жуда аниқ ҳаракат қилади.Вазифаларни тақсимлаш ва бажарилишини кучли назорат қилади, ўзи шахсий намуна бўлишга ҳаракат қилиш орқали кўл остидагаларни фаолиятга ундай олади.Қалтиз вазиятларда мурасасиз,ишни шахсий ҳаёти,ўз маънфатларидан устун қўяди,атрофдагилардан ҳам шуни талаб қилади.Хотираси жуда яхши ривожланган,кўрган –эшитган нарсалариниёсидан чиқариши қийин,айниқса одамларнинг хулқи,хатти-ҳаракатларига нисбатан жуда яхши шаклланган.

Муаммолари.Ички хотиржамликка қийинчилик билан эришади.Воқеаларни ортиқча кўпиртириб юборади.Ўзини кўпроқ яхши кўрадиган,тез ҳафа бўладиган,ҳар доим ўзи унга мулоим муносабатда бўлишларини талаб қиладиган,ёмон хотираларини кўпинча эсдан чиқариб юбора олмайдиган нуқсонлари бор.Гапини ярмидан бўлишларини,шошириб халақит қилишларини ёмон кўради.Омадсизлик ва кўнгил қолдирадиган воқеалардан кейин узоқ вақт ўзига кела олмайди.Айтган гапи вахулосаларида жуда қатъий туриб олади,бу борада мураса қилишни ёмон кўради.Ҳақиқий аристократ,гоҳи кейим-кечагидаозроқ экстравагантлик ва майда-чуйдаларга аҳамиятсизликка йўл қўяди.Ҳамма ишни бирданига ватез қилишни ёмон кўради.Текшириб,синалмаган ахборотларга ишонмайди. Уст-боши,хулқининг муҳокама қилинишига чидолмайди.Нимага астойдил киришса,тез ва сифатли бажариши мумкин.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

- ўзгармайдиган илғор назарни;
- ишда тезкорлик ва изчилликни;
- соф,ҳар тамонлама ўйлаб,ҳиссиётга берилмай хулоса чиқаришни;
- вазиятни ишонарли тарзда изоҳлаб беришни.

Психокоррекция усуллари—низולי вазиятларда эътибор бермаслик,ўзига келиб олгандан сўнг таъсир ўтказиш тавсия этилади.Муаммоли ҳолатларда кайфиятига қараб йўл тутиш маъқул.

Улар учун энг маъқул йўналиш:

- кимнингдир фикри, ғояси,дунёқарашини илгари суриш талаб этиладиган фаолиятда;
- ташкилий фаолият,шахслар билан кўп мулоқат ўрнатиш талаб этиладиган йўналишларда;
- ХЧҚ,ЖИЭМ,ППХ,ЙПХ йўналишларида етакчилик, боўқарув тизимида фаолият юритиш тавсия қилинади.

Мантиқий,сезгир рационал –интроверт,8 –назоратчи

Кучли томонлари.Жуда яхши ташкилртчи ва вазифасини сидқидилдан бажарувчи шахс.Маъсулиятсиз ва пала-партиш инсонларга нисбатан мурасасизҚилиниши керак бўлган иш ва қарорларни қадам-бақадам,бошидан охиригача бажармай қўймайди.Ҳар бир ишда тартиб, аниқлик ва равшанликни хуш кўради.Доим аниқ ва текширилган ахборот манбаларига таянади.Тор саҳа ва ноёб муаммоларда жуда яхши изланувчан.Қиладиган ишида ҳеч бир нарсани четда қолдирмайди,ҳатто майда-чуйдаларигача эътиборга олади.Хужжатларни тартиб билан олиб боради,сабабларини аниқлаштиришни яхши кўради.Ўзи билган аниқ тавсияларни мурожаат этган кишиларга жон дилидан тушунтириб беради.Келажакда маъмур шахс даражасига етса,унда топширилган вазифаларнинг бажарилишининг талаб қиладиган,тартиб ва аниқ иш олиб борилишини назорат қилувчи инсонни кўриш мумкин.Ишни ўз шахсий манфаатларидан устун қўяди,ёрдам қўлини чўзишга доимо тайёр ўзига вақўл остидагиларга иш юзасидан жуда талабчан.Ўз битлимларини амалда исботлаш тарафдори.Ҳар бир ишни олдиндан узоқ тайёргарлик кўриб,сўнг амалга оширади,даб-дурустдан,қўқисдан бошланган ишни сифатли деб тан олмайди.

Муаммолари. Принципиал, муҳим вазифаларни бажаришда мурасасиз. Кўпинча ўзига ортиқча маъсулият ва оғирликни юклайди. Бошқаларнинг фикрлаш доираси билан ҳисоблашмайди. Инсонларга ёндашишда уларнинг шахсий қобилиятларини инобатга олмайди. Унга нисбатан қарши чиққанларни, ўз фикри ва ишлаш услубини ўтказмоқчи бўлган инсонларни ёқтирмайди. Ўз таъсуротлари ва изланишлари тўғрисида гапиришни ёмон кўради. Бошқа одамларнинг ўзига нисбатан муносабатини фарқлай олмайди. Бирхиллик ва чуқур ўзгаришлардан чўчийди. Унинг нарсалари ваишига аралашганларни ёқтирмайди.

Удан талаб қилиб бўлмайди:

- нозиклик билан одамларга киришиб кетишни;
- одамларнинг шахсий қобилиятларини доим ҳам инобатга олишни;
- вазиятга осон ва тез мослашишни;
- принципиал вазиятларда юмшоқлик ва мурасага келишни;
- концептуал ғояларни умумлаштиришни.

Психокоррекция усуллари – ўзаро муносабатларни ҳурмат ва юқори даражада тартиблилик хусусиятларини намоён қилган ҳолда ўрнатиш. Камчиликларни енгил хазл тариқасида айтиб ўтиш кўпроқ самара беради. Лидерлик имкониятини яратиш.

Улар учун энг мақул йўналиш:

- тизимлилик, аниқлик, синчковлик талаб қилинадиган соҳа йўналишларида, вазифаларни тақсимлаш ва уларнинг бажарилишини кўзатувчи сифатида яққол намоён қила олади. 8-10 кишилиқ гуруҳларни яхши жамлай олади;
- ППХ, ИПХ, ХЧК, ХООБ, йўналишларида профилактика инспектори каби фаолиятда ўзини эркин ҳис қилади.
- Бўлим бошлиғи, раҳбар ўринбосари, инструктор, хизмат ҳужжатларини текширувчи инспектор, терговчи, кадрлар бўлимида булар ўзларининг бор қобилиятларини самарали намоён қила оладилар.

Мантиқий ҳис қилувчи рационал интроверт, 9-тадбиркорлик

Кучли томонлари. Жуда ҳаракатчан ва ишбилармон инсон. Доим вақт етишмаслигидан, қанчадан қанча ишлар қолиб кетаётганидан норози юради. Меҳнаткаш, фойдали ишдан ҳеч ҳам қочмайди. Қизиқувчан, амалда қулласа бўладиган янгиликлардан доим хабардор. Ишбилармонлик соҳасида жуда тадбиркор. Ишнинг фойдали ёки фойдасизлигини, корхонанинг келажаги бор йўқлигини олдиндан кўра олади. Унумдорликни ошириш мақсадида энг мақул йўлни кўриш хусусиятига эга, шунинг орқасида ўзини хавфга қуйиши мумкин. Ҳар доим ишнинг аниқ, тез тугалланишига ҳаракат қилади. Тайёргарликсиз таваккалига иш қилишни ёқтирмайди. Маросим ва тадбирларга олдиндан тайёргарлик кўради. Чалғитиш ва ёлғон билан иш қилишни ёқтирмайди, ҳар икка томонга мақул ўзаро фойда асосида иш кўради. Кўпинча ўзини бошқарувчи ва ҳомий сифатида намоён бўлади. Керак бўлса бир мунча қулайликларсиз ҳам яшаши мумкин. Жуда қийналган пайтларида ҳам ҳаётдан нолимайди. Соғлом умр кечириш, дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори.

Муаммолари. Унинг ҳар доим ўзгартиришлар киритилиб турадиган, жуда қатъий қонун қоидалар асосида ишланадиган кун тартибига кўпчилик чидай олмайди. Ўзининг иш суратини ҳаммага тиқиштиради. Қиладиган ишларини тоғдой уюб оладида бажаришга келганда қийналиб қолади. Кўпга борадиган, лекин охиригача ўйлаб кўрилмаган фикрларни илгари суради. Шубҳали ишларни бажаришга ошиқади ва ўзини ҳаф остига қуяди. Сергап, кўрганлари ва эшитганларни одамларга гапириб, мунозара қилишни яхши кўради. Кийимларига унчалик эътибор билан қарамайди, тикилиб қараганларни таби кўтармайди. Сабрсиз, шундан ҳам кўпинча эҳтиётлик талаб қиладиган нозик хизмат қўғозларини тузишда хатога йўл қўяди. Муҳим вазифаларни бажаришда ўзини қатъиятли ва мурасасиз тутади. Гоҳида бироз қупол ҳазил қилиши мумкин.

Шифокор қабулига боришни ёқтирмайди.

Ундан талаб қилиб бўлмайди:

- оғир-босиқлик билан бир хулосага келишни;
- кундалик ишларни чидам билан бажаришни;
- доим кўркам, озода ташқи курунишни;
- психологик сезгирлик ва муомалада устамонликни.

Психокоррекция усуллари – муомалада босиқлик ва аниқ фикир билдириш. Ташкилотчилик имкониятини яратиш, фақат вазифаларнинг бажарилишини назоратдан қолдирмаслик.

Улар учун энг мақул йўналиш:

- ўзини кўпроқ кенг дунё қараш ва ишга бир қолибга тўғри келмайдиган ёндошув талаб этиладиган йўналишларда;
- назарий ғояларни амалга ошириш, изчиллик ва илғор ғояларни қўллаш имкони мавжуд соҳада;
- ЖИЭМ, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимларида ўрта ва кичик бошлиқлар лавозимида;
- Ҳаракатчанлиги ва юксак иш унумдорлигин ҳисобга олиб, уларни кўпроқ хизмат сафарларига йўллаш мумкин.

Дидли, сезгир, рационал, интроверт, 10-жонкуяр

Кучли томонлари. Одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхши фарқлаб ҳал қила олади. Виждонли ва ўта маъсулиятли, ўз вақтида берган вадасига содиқ, ҳар қандай вазифани олдиндан тайёрлашни, қатъий кетма кетлик асосида бажаради. Яхши ва ёмон кунларда доим мададкор. Ишни тартибга солиш учун вақти ва кучини аямайди. Керак пайтда ўзини қизиқ бўлмаган ишларни бажаришга мажбул қила олади. Жуда яхши иқтисодчи, қарздорликни ёмон кўради. Шунинг учун маблағини яхшилаб ўйлаб режалаштириб ишлатади. Кучли ирода ва ўз ўзини бошқара олиш кучига эга. Қатъиятли, керак бўлса куч ишлатиб бўлса ҳам ўзи ва яқинларини ҳимоя қилади. Одатларига боғланиб қолган. Оиласи ва яқинларига содиқ. Ўзини оқлаган иш услуби бўйича ишлашни, унда палапартишлик ва дангасалик аломатларини бўлишини ёқтирмайди. Қийин шароитга тушиб қолганларга бадонудил ёрдам қилини тутати. Ҳар турли маъросимларга кеч қолганларни ёқтирмайди. Ишларини вақтига қараб мулжаллайди, доим нималар биландир банд бўлади. Ишда ҳам уйда ҳам меҳнатга жонкуяр.

Муаммолари. Адолатсизлик ва мавхумликни ўзига яқин олади. Таъсирчан, тез кунгли хира бўлади. Унга нисбатан қандай муносабатда бўлсангиз шундай жавоб оласиз. Бировларнинг камчиликларини тез кўради, кескин баҳо бериб, кўпинча сўз билан эмас кўз қарашлари ва овозини ўзгартириш билан маълум қилади. Одамлар билан муносабатда уларни “ўзиники” ва “бегона” ларга ажратади. Ҳиёнатни кечира олмайди. Кўп нарсани ўзига олади, мавхумликка жидай олмайди, ўзгарувчан шароитга мослаша олмайди. Одамларнинг асл қиёфасини кўришда бироз қийналади, шунинг учун ҳаммада бир хилда юксак маънавий талаблар қўяди. Қилган ишига баҳо беришларини ёмон кўради, ҳар доим ҳам қилган ишидан қониқмайди.

Ундан қуйидагиларни талаб қилиб бўлмайди:

- ҳаётга доимий равишда яхши кўз билан қарашни;
- ҳар қандай қолибга тушмайдиган муносабатларга бефарқликни;
- ўз баҳо ва қарашларида кескин ўзгаришларни;
- кутилмаган қарорларга ҳозир жавобликни.

Психокоррекция усуллари – билафонликка йўл қўймаслик, мустақил фаолият юритишга имкон яратиш, ижтимоийлик хусусиятларини шакллантириш.

Улар учун энг мақул йўналишлар:

- бевосита одамлар билан мулоқот қилинадиган соҳалар;

- диққатни жамлашни талаб қиладиган, сергаклик ва тиним билмайдиган ишларда бу шухслар ўз ўринларини топишлари мумкин;
- таъминот бўлими (молия ва тиббиёт) хизмат кўрсатиш соҳаси (пул ва кийим, буюмларни сақлаш, тарқатиш, ҳайдовчи, инструктор);
- ЁХХда муҳандис, ут учирувчи лавозимларида техник воситалар билан ишлаш, бир турдаги диққат талаб вазифаларни бажариш шароити мавжув ишларда муваффақиятли фаолият юритишади.

Дидли, сезгир, иррационал, экстрове́рт, 11-сиёсатчи

Кучли томонлари. Жуда дипломат олди сотди муносабатлари кучли. Чорасиз ҳолда ўзини тез ўнглаб олади. Ўзига ишонган қатъиятли ва довюррак, шу билан бирга жуда саҳий. Ҳар доим нима қилмоқчи эканлигини жуда яхши билади. Номигагина маслаҳатлашади ўз билганидан қолмайди. Бўладиган, бўлган воқеаларни ипидан – игнасиғача билишни ва уларнинг марказида бўлишни истади. Муомалали, одамлар ишончини қозонишга уста. Бир пасда одамнинг дилини яйратадига муҳитни яратишга уста. Хушфеъл, доим ўзини эркин кенг-куламли тутди. Соғлиғи ва ташқи кўринишига аҳамият беради. Чиройли, дид билан ҳар доим ҳар хил кийинишни ёқтиради. Одамижон, яқинлари тўғрисида кўп қайғуради, уйда осойишталик ва қулайликни хуш куради.

Муаммолари. Анча бетартиб, ишда аҳамиятсиз нарсаларга алаҳсиб кетади. Маълум бир нарсага фикрини жамлаш унга қийинчилик туғдиради. Танлаш имконияти туғилганда иккиланиб қолиши мумкин. Кўпинча бу ички шубҳаланиш ва ўйланишларга олиб келиши беркитади. Унинг ҳақиқий ишончини жуда камчилик оқлаган. Янгиликларга нисбатан ўзига хос хусусиятларги эга, янгиликни ўзлаштириши, қабул қилиши ва ушбу технологиянинг ҳақиқийлигига ишониши учун унга маълум вақт талаб этилади. Ҳар томнлама чуқур ўрганиб, солиштириб чиққанидан сўнг таваккал қилиши мумкин. Одамларнинг индивидуал хусусиятлари ва қарашларини умумлаштирувчи ҳамманинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари тарафдори. Озодлигини чегаралашса ўзларини важоҳатли тутишади. Кайфиятини бошқаларга ўтказишга қодир.

Ундан қуйидагиларни талаб қилиб бўлмайди.

- мажбуриятли ва аниқ ҳаракатланишни;
- мантиқан ишда ва шахсий ҳаётда умумийликни;
- вазифаларини тўғри тақсимлашни;
- вадасининг устидан чиқишни.

Психокоррекция усуллари – муомалада босиқлик ва аниқ фикр билдириш. Ташкилотчилик имкониятини яратиш, фақат вазифаларнинг бажарилишини назоратдан қолдирмаслик.

Улар учун энг мақул йўналишлар:

- ижтимоий соҳада;
- ижтимоий педогогик фаолият, котибият, таъминот бўлими;
- моддий ресурслар билан ишлаш;
- маъданий-маърифий соҳаларда маросимларни ташкил қилиш;
- танланаган йўналишда, қуриқлаш, ЁХХ йўналишларида имкониятларини тўлиқ намоён этади.

Мантиқий, ҳис қилувчи, ирроциона, интроверт, 12-тақризчи

Кучли томонлари. Яхшиликка интилади. Кам харж, ҳисоб китоб асосида иш кўради, ҳақиқатгуй. Кўп ўқийди ва кўп ўйлайди. Ўқиган ва эшитганларини эшитганларини эсида яхши сақлаб қолади ва мазмунли қилиб айтиб бера олади. Олдиндан сезиш қобилияти яхши ривожланган. Шунинг орқасидан қилинадиган ишнинг охирини кўра олади. Хавф даражасмини яхши ажратади кутилмаган

хатарли воқеаларнинг олдини олиш учун кўпинча эҳтиёткорлик билан ҳаракатланишни маслаҳат беради. Ҳар қандай тизимда мантиқий фикрлай олади. Талаб қилинса, жуда пунктуал бўлиши мумкин. Кейим-кечак, уй, иш жойида озодалик тарафдори, шу билан бир қаторда қулайлик яратиш учун. Муаммоҳалада жуда мулоим. Ҳазилкаш, одамларни юпата олади.

Муаммолари. Ҳаётда жуда спектик, атроф оламдаги ҳамма камчилик ва қаршиликларни кўради. Кўпинча зиддик ва фикридан қайтиб қолишга мойил. Ички дунёсини мўътадиллаштиришга қийналади. Кайфиятини бошқара олмайди, гоҳи ҳамма нарсага ўзгача қараши, кўп гапириши, гоҳида эса ҳаддан зиёд сергап ва саҳий бўлиши мумкин. Унинг ҳиссиётлари ён-веридагиларга таъсир қилади. Хафсаласизлигидан бошлаган ишини охирига етказа олмайди. Янгиликларга нисбатан эҳтиёткор ва бир қарорга келиши қийин. Шошилиб, иккиланишни ёқтирмайди, ҳаммага илгарилаб кетадиган, ўзини кўрсатадиган одамларга ишонмайди. Ўзининг ҳақлигига ишониб, фикрини фактлар билан исботлаб берган тақдирда уни бошқа бир нарсага чалғитиш жуда қийин. Тўғридан тўғри иродавий таъсирларга буйсунмайди. Мақташни ёмон куради. Энг тўғри йўл одамнинг камчилигини кўрсатиш деб ҳисоблайди. Атрофдагиларга ўз таъсирини ўтказишга қийинчилик билан эришади, кимнидир, нимагадир ишонтира олмайди, киришимлилий хусусияти яхши ривожланмаган.

Ундан қуйидагиларни талаб қилиб бўлмайди:

- ишда тезкорлик билан уддабуронликни;
- қурқмасдан тасодифий вазиятларда бир қарорга келишни;
- ғамхурлик ва меҳмоннавозоликни;
- ҳиссиётларни очиқ намоён қилишни;
- инсонлар билан тўғридан тўғри муносабатга киришиш талаб этиладиган соҳаларда ўзини намоён қилишни;

Психокоррекция усуллари - дўстона муносабатлар ўрнатиш, иродавий хусусий ҳаракатларни ривожлантириш, ўзини кўрсатишга имкон яратиб бериш. Иложи борица атрофдагиларга нисбатан ижобий ҳиссий хусусиятларни вужудга келтириш. Ўзига ишонч, маъсулият ҳиссларини шакллантириш.

Улар учун энг мақул йўналишлар:

- кутубхона ва архив ишлари, маъмурий фаолият;
- дастурлаштириш, илмий изланиш соҳасида иш юритиш.

Мантиқий, сезгир, рационал эстроверт 13-бошқарувчи

Кучли томонлари. Фаол ва талабчан, воқеани сезгирлик билан баҳолайди ва амалий қарор қабул қилади. Жуда мохир маъмур – сифатли иш ҳолатини ташкил қилади. Бўлим ва тури одамларнинг фаолияти бошқара олади. Жуда прогматик, одамларнинг аҳволи ва фаолиятини ўз фойдаси нуқтаи назаридан баҳолайди. Ҳар бир ишда асосли ва ишончли баҳолашни яхши кўради. Пулга тежамкорлик ва эҳтиётлик билан қарайди. Кийим-кечакларда чидамлилик, мўъжасликни, ҳар қандай шароитда тартибда қадрлайди. Ҳар қандай аҳволда қарздорлик ҳиссини туяди. Вақтдан унумли фойдаланади ва уни бўлар-бўлмасга сарфламайди. Қиладиган ишни олдиндан режалаштиради. Қаердан бўлмасин ўз вақтида келади. Бекорга ҳар нарсага ўзи қурбон қилмайди. Қаерга бўлмасин ҳамма нарсага бошқарувчанлик қилади. Ҳаётда ўзини йиғиштирилган тутати.

Муаммолари. Ўз диди ва одатларида консерватив, ўз ҳатоларини тан олиш ва муроса қилишни ёмон кўради, танқидни ҳатто хазл тарзида бўлса ҳам тан олмайди. Муомалада дипломатик муносабатда бўла олмайди. Ўзининг танқидий мулоҳазаларида жуда ҳам секин. Яхши – ёмонни баравар муҳокама қилади. Сертакаллуфлардан нарироқ йўришга ҳаракат қилади. Қолган яхши иш учун мақташ жоиз деб билади. Маза-бемаза мавзуларда узоқ гапиришни ёмон кўради, қатъия тарбия тарафдор. Қилинаётган ишга даҳли йўқ одамлар шу иш хусусида мунозара қилишса, уларга нисбатан ғазоби қайнайди. Яқинларига ўзининг муҳим

аҳамиятга эгаллиги ва бу борада талабчан эканлигини таъкидлаб туради. Ғазабланганида ўзини бошвара олмайди. Шу боис нуқул ноаниқлик ҳолатига тушиб қолади. Бошқа нарсаларга алаҳсиб ўз ишини вақтида бажара олмайди ва тушқинликка тушади. Етарли миқдордаги исботни топмагунча фикрини ўртага ташламайди. Иш пайтида чалғитишганини ёки бу ишни тезроқ қилишга ундашганини ҳеч ҳам тўғри қабул қила олмайди. Умумий қабул қилинган қоидаларга риоя қилиш кераклиги доимий равишда атрофдагиларга уқтириб туради. Вахоланки, кутилмаган бир ҳолда сабирсизлик билан тез жаҳли чиқиб кетиши мумкин.

Куйидагиларни ундан талаб қилиб бўлмайди:

- шароитга қараб ўз ҳулқини ўзгартиришни
- одамлар билан юмшоқ ва дипломатик муносабатда бўлишни
- чорасизликда совуққон ва сабр-тоқатли бўлишни
- етмаган ғояларни охирига етказишни

Психокоррекция усуллари-билағонликка йўл қўймаслик, етакчилик қилишга имкон яратиш, ижтимоийлик-интеллектуал хусусиятларини шакллантириш, жамоат ишлари билан банд қилиш. Муваффақиятлари учун тақдирлаш тавсия этилади. Барча ҳаракатлар мавжуд хислатлардан ижобий фойдаланишга қаратилиши лозим.

Улар учун энг мақул йўналишлар:

- тезкор ватезкор қидирув йўналишларида зўр етакчи ва илғор ходим
- бошқарув, одамлар ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш
- техник жараённи кўзатиш (таъмирлаш, фойдаланиш)

Дидли, ҳис қилувчи, рационал-интроверт. 14-гуманист

Кучли томонлари. Одамларнинг ўзаро муносабатларини яхши ҳал қила олади. Доим олдинга интилиб, ўрганиш, изланиш, мукаммалланиш йўлида. Маънавий – фалсафий муаммоларга қизиқади. Одамларни қандай бўлишса, шундайлигича қабул қилади, камчиликларни кечириб, уларнинг дунёқарашларини куч билан ўзгартиришга ҳаракат қилмайди. Одамижон, тз кунигиб волишади. Бошқаларнинг ўз ҳиссиётларини намоён қилишларига тўғри кўз билан қарайди. Кўнглига тез йўл топиб, овутиб, тўғри маслаҳат бера олади. Агар ёрдам беролмаса. Сабр-тоқад билан ўзигизга келишингизни кутади. Ҳамма нарса яхшилаб, ўринли бажарилиши тарафдори. Жуда меҳнаткаш. Очиққўнгил, дангалчи ва виждонли. Ҳақиқат ва интизом қонидарига асосланиб яшашга интилади.

Муаммолари. Таъсирча ва тез ҳафа бўлиб қолади. Келишмовчиликлар ва асабга тегадиган воқеаларни оғир кечиради. Жуда нозиктаъб, бошқаларни ўзининг оғирлиги билан қийнашни эп кўрмайди. Кўпинча қилинадиган ишни майда-чўйдаларигача яхшилаб бажариб, ўзини қийнаб қўяди. Қилинган ишнинг сифати ва унга кетган вақтини тўғри баҳолай олмайди. Ишонувчан, тўғрисиўзлигидан гоҳида ҳафа бўлади, чунки кўпчилик унинг шу томонидан фойдаланишади. Ҳаракатлари ўзгармас, кам фикр билдиради, ўзига, ҳарактларига ишонади. Унинг қизиқиши доирасидан ташқаридаги нарсалар билан унчалик қизиқмайди.

Куйидагиларни ундан талб қилиб бўлмайди:

- ишда тадбиркорлик билан тез ҳаракатланишни;
- кутилмаган вазиятларда керакли йўлни танлашни;
- ҳар қандай пайтда тезлик билан мослашишни;
- ташкилий хусусиятларни.

Психокоррекция усуллари – муомалада босиқлик ва аниқ фикр билдириш. Ташкилотчилик имконини яратиш, қалтис вазиятларда атрофдагиларга таъсир ўтказиш хусусиятларидан фойдаланиш.

Улар учун энг зарур йўналишлар:

- иётимой, илмий-педогогик фаолият, ортиқча зўриқишларсиз бир турдаги тарбиявий таъсирни амалга ошириш имконияти мавжуд;
- вояга етмаган ўсмирлар билан боғлиқ фаолиятда;
- қўриқланадиган объект постида, ЁХХ инспектори лавозимларида самарали;
- маъмурий фаолиятда;
- кутубхона, котибиятда.

Дидли, ҳис қилувчи, иррационал-экстреверт. 15-маслаҳатчи

Кучли томонлари. Жуда киришимли ва ҳиссиётли. Керак бўлса, хоҳлаган одамнинг кўнглига йўл топа олади. Бунда унга табиий кўркемлиги ва мулозаматлилиги ёрдам беради. Одамларни мақташ, уларга яхшилақ қилишни хуш кўради. Одамларнинг қобилият ва хусусиятларини яхши ажратади. Кўз илғамас камчиликлари ва ғиссиётларини тез ҳис қилади. Ҳаттоки атрофдагиларнинг ҳатти-ҳаракатларини олдиндан айтиб бериш мумкин. Сирли ва мавҳум нарсалар, одамдар билан қизиқади. Қандайдир ғоя билан қизиқиб қолса жон жаҳди билан уни оммавийлаштира бошлайди. Таъсирчан ва ғамхур. Жамийки нарсаларга меҳрибон, ҳаётини қийин муаммоларда ёрдамлашиш, маслаҳат беришни яхши кўради. Тезкор вазиятларда тез мослаша олади, оғир-босиқ, кучли қаршилиқ кўрсата олади. Омадсизликка учраганда қаттиқ қайғуради, тез эсидан чиқаради, ҳамма яхши нарсаларни яхши кўради, чиройли кийинишга, одамларнинг кўзига ташланишга ҳаракат қилади.

Муаммолари. Ҳамма билан яхши муносабатда бўлишни хоҳлайди, шу билан бир қаторда ўзини ортиқча қийнаб қўяди. Табиятан ишонувчан, суҳбатда кўпинча ортиқча нарсаларни ҳам гапириб қўйиши мумкин. Яхши кўрган одамларидан тез хавфсаласа пир бўлади. Ҳамма нарсага бўлган муносабати кайфиятига боғлиқ. Эркин ҳаракатланишни чеклаб қўядиган кун тартиби ва қонун қоидаларни чеклаб ўтади. Ақлсизларча бўйсунини ёмон кўради. Ишбилармонликда жипслашмаган. Кўпинча ишнинг асосийсидан икинча даражалигига ўтиб кетиши мойиллигидан қиладиган ишини муддатида бажара олмайди. Озроқ сабр қаноат етишмаслигидан кўп ҳолларда бошлаган ишини охиригача етказа олмайди. Купол, тарбиясиз одамларни муҳокама қилади. Ўзияи гоҳида ўзини ўзи тута олмайди, жаҳл қилиши мумкин.

Ундан қуйидагиларни талаб қилиб бўлмайди:

- алоҳида эътибор талб этадиган ишларни сифатли бажариши;
- хизмат ҳужжатларини бир тизим асосида юрийтиши;
- юқори даражадаги уюшқоқликни;
- кўпчилик бошқаришни, вазифаларни бўлиб беришни;
- келишмовчилдик юзасидан келган вазиятда совуққонлик билан иш кўриши.

Психокоррекция усуллари:

- қуйилган вазифаларнинг аҳамиятли тарфларини намоён қилган ҳолда топшириқ бериш, вазифаларни бажаришда жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.

Улар учун энг мақул йўналишлар:

- ўта киришимли хусусиятларни иноватга олган ҳолда фуқаролар билан ишлаш йўналишларида илғор ходим бўлади;
- ХЧК, ЙПХ, ППХ, ЁХХ, умумий йўналишларда назоратчи инспектор, кадрлар бўлими, шахсий таркиб билан ишлаш бўлимларида алоҳида топшириқларни бажарувчи ходим сифатида;
- Педогогик фаолият (ўқитувчи-тарбиячи);
- Профилактика инспектори.

Мантиқий сезгир, рационал-экстреверт. 16-уста

Кучли томонлари. Фойдали ва керакли ишларни юритишда уддабурон. Янги ғояларни амалда йўлга қўйиб, энг юқори фойда даражасини кўрсата олади. Кўзга ташланмасдан, оҳисталик билан мақсадга интилиш, бошлаган ишни охирига етказиш. Камтарликка мойил. Ўзига ёққан иши ва ҳаракатларида изланувчан. Курби етадиган доирада иш ва дам олишни уйғун ташкиллаштира олади. Фаросатли, тўлалигича ўзининг дидига ишонади. Нима чиройли, нима ёмон, қаерда дидсизлик, қаерда уйғунлик бўлиши мумкин деганда ўзининг ягона қатъий фикрига эга. Дўстликни қадрлайжи мабодо ёрдам сўрашса, вақтини аямасдан ёрдам беришга ҳаракат қилади. Ўзининг нуқтаи назарини ўқтиришга ўринмайди, барибир охирида ўзи хоҳлаганидай бўлиб чиқади. Қилган ишини фойдаси тегаётганидан хурсанд бўлади, ичиқоралик қилмайди. Учрашувларнинг узоқ давом этишини ёқтирмайди, аниқ ва конкретликни авзал деб билади. Ўзини бошқара олади, хатарли вазиятларда совуққонлик билан иш кўради. Хавф ҳақида огоҳлантиришса, бу ҳол унда қурқув эмас балка қизиқиш уйўтади, ўзини синаб кўргиси келади.

Муаммолари. Ўзига ҳеч нарса юқтирмайди, ҳазилкаш, ҳамма нарсани текширишга иштиёқманд. Таъсирчанлигига қарамасдан, одамларнинг олдида ўз ҳиссиётларини намоён қилмайди. Ҳамма нарса кайфиятига боғлиқ. Кайфияти йўқ пайтида иш унумдорлиги ошади. Ўзи билан ўзи овора, жаҳли чиққанда ҳар қандай оджамни жойига қўйиб қўяди. Буйруқ оҳангида гапирганларни тан олмайди, қанақасига мақул кўрса, шундай иш кўради. Росманасига куч ғайрат билан фақат яхши натижалар бериб, роҳат бағишлайдиган ишни бажариш мумкин, шунинг учун ҳам гоҳида уни дангаса деб ўйлашади. Мақсадсиз ишни қилишага ошиқмайди. Сузилиб, гапни айлантириб гапирганларни ёқтирмайди. Аниқ, лунда, ўзига ишонган оҳангла гапирди.

Кўйидагиларни ундан талаб қилиб бўлмайди:

- бошқаларни омадсизликда айблайдиган одамларга раҳм қилишни;
- яхши ишга тушмаган лойиҳаларни тўғри қабул қилишни;
- бўлаётган воқеани ҳис қилиш;

Психокоррекция усуллари. Ўзаро муносабатларда ҳурмат ва юқори даражадаги интизомни талаб этиш. Камчиликларни кўрсатиб, тушинтириш орқали муваффақиятга эриши мумкин.

Улар учун энг мақул йўналишлар:

- танлаган йўналишда ташкилиш бошқарувчилик соҳаларида етакчилик қилиш;
- хўжалик юритиш, аниқ техник воситаларни бошқариш;
- ХЧК, ППХ айниқса ҲООХ ва ЖИЭМ йўналишларида муваффақиятли фаолият юритиш мумкин.

Умумий йўналишдаги тестлар

Кучли ҳарактер эгасимисиз?

1. сизнинг характерларингиз атрофдагиларга қандай таъсир ўтказаётгани тўғрисида ўйлаб кўрганмисиз?

- A) жуда кам
- B) кам
- C) гоҳида
- D) кўпинча

2. ўзингиз ишонмаган нарсалар ҳақида гапирганмисиз (масалан: кимгадир аччиқ қилиб ёки атайин)?

- A) ҳа
- B) йўқ

3. кўйида келтирилган ҳарактер хусусиятларнинг қайсиларини инсонларда қадрлайсиз?

- А) қатъият
 В) тафаккур кенглиги
 С) ўзини кўрсата олиш.
4. Педантезизмга мойилингиз борми?
 А) ҳа
 В) йўқ
5. сиз берган нохушликларни тез унитасизми?
 А) ҳа
 В) йўқ
6. қилган ҳаракатларингизни таҳлил қилишни ёқтирасизми?
 А) ҳа
 В) йўқ
7. Сизга жуда яхши таниш бўлган инсонлар орасида:
 А) шу даврага мослашасиз
 В) қандай бўлсангиз шундайлигизча қоласиз
8. янги вазифага қўл уришдан олдин сизни кутадиган қийинчиликлар тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қиласизми?
 А) ҳа
 В) йўқ
9. Кўйида келтирилган тавсифларни қайси бири кўпроқ сизга мос келади?
 А) ҳаёлпараст
 В) омадли йигит
 С) меҳнатда тиришқоқ
 D) пунктуал, озода
 E) "файласуф"
10. Маълум бир масалани муҳокама қилганда
 А) бошқаларнинг фикрига мос келмаса ҳам ўз фикрингизни айтасиз
 В) ўз фикрингизга эга бўлсангиз ҳам жим туришни мақул кўрасиз
 С) ўз фикрингизда қоласиз, шу билан бирга кўпчилиكنинг фикрига ҳам қушиласиз.
 D)ўйлаб ўтирмасдан илғор фикрга қўшиласиз
- 11.Бошлиғингизни қайси ҳиссиёти ғазабингизни уйғотади?
 А)асабийлик
 В)хавотир
 С)ташвишланиш
 D)ҳеч қандай ҳиссиёт
- 12.Судда ҳимоянчингиз бирданига,сизга қарши чиқиб қолса,нима қиласиз?
 А)унга қарши чиқаман
 В)ушбу фактни юзига соласиз
 С)атайин жахил қиласиз
 D)танаффусга чиқишни сўрайсиз
- 13.Қилган ишингиз ҳато чиқса:
 А)жаҳлингиз чиқади
 В)уяласиз
 С)ғазабланасиз
- 14.Агар қийин вазиятга тушиб қолсангиз кимни айблайсиз?А)ўзингизни
 В)омадсизликни
 С)объектив воқеликни.
- 15.Атрофингиздагилар,раҳбарларингиз,қўл остингиздагилар билим ваҳаракатларингизни тўғри баҳолашмайдигандек туюладими?
)ҳа
 В)йўқ
- 16.Яқин танишларингиз,ҳамкасбларингиз қупол хазил қилишса:
 А)улардан жаҳлингиз чиқади
 В)ён босишишга ҳаракат қиласиз
 С)жаҳлингиз чиқмайди хазиллаша бошлайсиз

- D)ҳеч қандай ҳиссиётларсиз кулги билан жавоб берасиз
- 17.Шошиб турганингизда керакли нарсангиз(сумка,зонттопилмай қолса нима қиласиз?А)индамай қидиришда давом этасиз
В)қидиришда давом этиб,уйингиздагиларни бесаранжомликда айиблай бошлайсиз
С)ўша нарсасиз чиқиб кетасиз
- 18.Нима кўпроқ сизга таъсир қилади?
А)қабулхонада одамларнинг кўплиги
В)транспортдаги тиқилинч
С)бир ишни бир неча марта қилиш
- 19.Баҳс тугагандан кейин ҳам ўз фойдангизга фактлар келтириб миянгизда баҳисни давом эттирасизми?
А)ҳа
В)йўқ
- 20.Тез бажариладиган ишга ёрдамчи танлаш имконияти бўлганда кимни танлаган бўлардингиз?
А)фақат иш берадиган ,фикрини айтмайдиган
В)билимли,лекин,қайсар вабаҳисга мойилини
С)қобилиятли ,лекин дангасароғини

жавоблар	саволлар																			
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
а		0	1	2	0	2	2	0	0	2	0	0	2	2	0	0	2	1	0	0
б	1		1	0	2	0	0	2	1	0	1	2	1	0	2	1	0	0	2	1

15 баллдан кам.Бўш характер эгаси,ўзини жамлай билмайдиган,беташвиш инсон.Қийинчилик ва хатоларда ўзидан бошқа ҳаммани айиблаш хусусиятига эга.Сизга на ишда на дўстликда ишониш қийин.Бунинг устида ўйлаб кўришингиз зарур.

15 дан 25 баллгача.Сиз бирмунча қатъий характер эгасисиз.Сиз хаётга теран назар ташлай оласиз,лекин ҳамма ҳолатларда эмас.Гоҳида ўзини тута олмаслик учраб туради.жамоада одилсиз,феълингизга чидаса бўлади. Лекинбаъзи характерхусусиятларингизни йўқотиш тўғрисида ўйлаб кўришингиз керак.

26дан 38 баллгача.Сиз талабчан ва жавобгарлик ҳисси юқори инсонлар қаторидасиз.Ўз фикрларингиз аҳамият касб этса –да ,бошқаларнинг ҳам фикриниинобатга олиш кераклигини эсингиздагн чиқарманг.Турли вазиятларда тўғри йўналиш олиб,тўғри қарор чиқара оласиз.Булар кучли характердан далолат беради, ўзингиздан ғурурланишни бас қилинг,куч шавқатсизлик дегани эмас.

38 баллдан юқори.Биз сизга ҳеч нарса дея олмаймиз.Нега?Чунки бундай идеал даражадаги характер эгаси борлигига ишониш қийин.Ёки бундай балл-ўзингизни объектив баҳолай олмаслик натижасимикин?

“Муваффақиятга эришиш мотивациясини аниқлаш”тести

Йуриқнома:Куйидаги берилган 41 та саволга “ҳа”, “йўқ” деб жавоб беринг.

- 1.Икки ишдан бирини зудлик билан бажариш ёки уларни танлаш керак бўлса, яхшиси тезда унга киришиб, бажариб қўя қолган яхши.
- 2.Берилган топшириқларни 100% бажара олмаётганлигимни сезсам, жуда қайғураман.
- 3.Ишлаётган вақтимда берилиб ишлайман,гўёки ҳамма нарса шунга боғлиқдай.

- 4.Муаммоли вазият пайдо бўлганда,мен қарор чиқаришга шошилмайман.
- 5.Икки кун суринкали ишсиз қолсам, ҳаловатимни йўқотаман.
- 6.Баъзи кунлари менинг муваффақиятсиз кунларим кўпайиб кетади.
- 7.Мен ўзимга бошқаларга қараганда анча талабчанман.
- 8.Мен бошқалардан кўра саҳоватли,меҳрибонроқ одамман.
- 9.Қийин топшириқни бажаришдан бош тортган пайтларимда, одатда ўзимни қийинман,чунки ўша ишга киришганимда бажарган бўлардим.
- 10.Ишлаш давомида тез-тез дам олиб туришга эътиёж сезаман.
- 12.Менинг меҳнатдаги ютуқларим ҳар доим ҳам бир хил эмас.
- 13.Менга бевосита ўзим бажараётган иш эмас, балки бошқа ишлар кўпроқ ёқади.
- 14.Мақтовдан кўра танқид мени кўпроқ ишлашга мажбур қилади.
- 15.Мени ҳамкасбларим ишчан деб ҳисоблашларини яхши кўраман.
- 16.Ишдаги қийинчиликлар менинг қарорларимни янада қатъийлаштиради.
- 17.Менинг нафсониятимга тегиш жуда осон.
- 18.Кўпчилик ташаббуссиз ишлаётганимни сезади.
- 19.Бирор ишни бажараётганимда бошқаларнинг мададига таянмайман.
- 20.Баъзан ҳозир қилишим мумкин бўлган ишни кейинга қолдираман.
- 21.Одам фақат ўзига ишониши керак деб ҳисоблайман.
- 22.Ҳаётда пулдан ҳам муҳим нарсаяўқ.
- 23.Муҳим топшириқни бажариш бўлганида ташвишларимни унитаман.
- 24.Мен кўпчиликка қараганда иззат талаб эмасман.
- 25.Таътил охирида ишга чиқишимни ўйлаб қувонаман.
- 26.Иш менга ёқса,уни бошқаларга нисбатан яхшироқ бажараман.
- 27.Ишга берилиб кетадиган кишилар билан тил топишим осон.
- 28.Ишим йўқ пайтларида ўзимни баҳаловат сезаман.
- 29.Маъсулиятли ишларни бошқаларга нисбатан кўп бажараман.
- 30.Қарор чиқариш маъсулияти менга юкланса, вазифани яхшироқ бажараман.
- 31.Дўстларим мени дангаса деб ҳисоблашади.
- 32.Маълум маънода менинг ютуқларимда ҳамкасбларимнинг ҳиссаси бор.
- 33.Раҳбарнинг райини қайтаришдан фойда йўқ.
- 34.Баъзан қандай иш бажариш кераклигини ҳам билмайман.
- 35.Ишим юришмай қолган пайтлар бетоқат бўлиб безовталанаман.
- 36.Одатда ўз ютуқларимга кам эътибор бераман.
- 37.Кўпчилик ичида ишлаётганимда ютуқларим кўпроқ ва сезиларлироқ бўлади.
- 38.Бўйнимга олган кўпгина ишларни охирига етказа олмайман.
- 39.Иши жуда кўп бўлмаган одамларга ҳавас қиламан.
- 40.Мен ҳокимиятга интиланган,амалпарастларга ҳавас қилмайман.
- 41.Ўз йўлимнинг тўғрилигига шубҳа қилмасам,уни амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан тоймайман.

Калит: қуйидаги саволларнинг “Ҳа”жавоблари учун 1 баллдан ҳисобланг;**2,3,4,5,7,8,9,10,14,15,16,17,21,22,25,26,27,28,29,30,32,37,41. 6,13,18,20,24,31,36,38,39.** саволларнинг “Йўқ” жавоби учун ҳам 1 баллдан ҳисобланг.**1,11,12,19,23,33,34,35,40.** саволларга берилган жавоблар ҳисобга олинмайди .Туплаган балларингизни ҳисобланг.

Натижа:

- 1 баллдан 10баллгача**—мқваффақиятга нисбатан жуда паст мотивация.
11 баллдан 16 баллгача – ўрта жаражадаги мотивация;
17 баллдан 20 баллгача—анчагина юқори мотивация;
21 баллдан юқори—муваффақиятга нисбатан ўта юқори мотивация.

Бу тест натижаларини **“мағлубиятдан қочиш мотивацияси”** ва**“таваккалчиликка мойиллик”**тестлар натижалари билан бирга таҳлил қилишимиз мумкин.Тадқиқотларнинг кўрсатишича муваффақиятга интилишлари анча яхши бўлганларниг таваккалчиликка мойилликлари ўртача

бўлади.Мағлубиятдан қўрқадиганлар эса таваккалчиликнинг ё ўта кичик, ё ўта юқори даражасини танлайдилар.Одамнинг муваффақиятга интилиши қанчалик кучли бўлса, унинг таваккал қилиши камроқ бўлади, албатта ютиб чиқишига ишончи ҳам унчалик кучли бўлмайди.Мотивацияси жуда кучли бўлган одамлар таваккалчилар бўлиб,улар бахтсиз ходисаларни жуда кам бошдан кечирадилар, чунки уларда мағлубиятдан қочиш масаласи ҳам кучли бўлади,ҳимоя инстинкти юқори бўлса, бу унинг муваффақиятга эришишида кўпинча ғов бўлади,ўз олдига юқори мақсадлар қўя олмайдилар.

Паришонхотирмисиз?

“Ҳа”ёки “Йўқ” деб жавоб беринг

- 1.Бирор бир ўйин ўйнаётганда диққатингизни тўплай олмасдан ютқазган пайтларингиз бўлганми?
- 2.Танишларингиз ҳазил қилиб сизни лаққиллатиша олишганми?
- 3.Бир пайтнинг ўзида ишлаб туриб атрофингиздагилар нима тўғрисида гаплашаётганини эшита оласизми?
- 4.Қачондир кўчадан пул ёки қимматбаҳо нарса топиб олганмисиз?
- 5.Кўчадан ўтаётганда атрофга диққат билан назар ташлайсизми?
- 6.Олдинги ҳафта кўрган киноингизни майда деталларигача эслай оласизми?
- 7.Бирор ишни бажаришингизда ҳалақит қилишса ёки чалғитишса асабийлашасизми?
- 8.Қайтимини доим текширасизми.
- 9.Сизни уйқудан уйғотиш осонми?
- 10.Кўчада кетаётганингизда чақириб қолишса,чучиб кетасизми?
- 11.Қаризларингиз эсингиздан тез чиқиб кетадими?
- 12.Ёмғир сизни ташвишга солганми?

2,3,4,5,6,8,9- саволларга “Ҳа” жавоби ва1,7,10,11,12 саволлардаги”йўқ”жавоби учун бир баллдан.

10 баллдан кўп.Сиз жуда эътиборлисиз вамайда нарсаларни ҳам кўздан қочирмайсиз. Сизни алдаш жуда қийин.

4 дан 8 баллгача Ишнинг муваффақияти учун етарлича диққат-эътибор сарифлай оласиз,лекин ҳар доим ҳам эмас.Бир оз паришонхотирсиз,хаёл суришни яхши кўрасиз.

4 баллдан кам Сиз ўта хаёлпарастсиз, шунинг учун ҳам диққатингизни бир ерга жамлай олмайсиз,ёқимсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун бироз эътиборли бўлишга ҳаракат қилинг.

Ахлоқий-этик хусусиятларингиз

“Ҳа”-3, “Йўқ”-2, “менимча ҳа”-1, “менимча йўқ”-0 балл

- 1.Қўл остимдагилар ўз хатоларини тан олишларини кўтмайман.
- 2.Иш қилиш учун баъзан контракт ишларини,хафсизлик чораларини бўзишга тўғри келади.
- 3.Ҳеч қачон ҳисобатда аниқ чиқимларни кўрсатиб бўлмайди,шунинг учун тахминий сонлар кўрсатилади.
- 4.Ёқимсиз ахборотни шерикларимдан беркитишим мумкин.
- 5.Юқори турадиган раҳбарларнинг буйруқлари тўғри бўлмаса-да,буюрганларидек бажараман.
- 6.Гоҳида иш вақтида шахсий ишларим билан шуғулланишим тўғри келади.
- 7.Қўл остимдагиларни ҳаракатини ошириш мақсадида керагидан ортиқ вазифаларни юклатишга ҳаракат қиламан.
- 8.Мен учун зарур буюртмани олиш керак бўлсаунинг бажарилиш муддати масаласида алдашим мумкин.
- 9.Хизмат телефони бўш бўлса ундан шахсий мақсадда фойдаланишга рухсат

бераман.

10. Мен ҳар доим аниқ мақсадга интиламан шунинг учун ҳам мақсад сари ҳаракатларим эҳтиёжларимни қондиради.

11. Агар катта буюртма олиш учун зиёфат уюштириш, фирманинг сиёсатига ўзгартириш киритиш керак бўлса бажонидил қабул қиламан.

12. Шаклланган кўрсатма ва фирма сиёсатини ўзгартирмасдан яшаш қийин.

13. Қолган таварларнинг ҳисоботини тузаётганда унда "етишмовчи" ва "ортиқча" товарлар сонини кўрсатиб тузиш керак.

14. Нусха кучирувчи аппаратдан ўз эҳтиёжлари йўлида вақти-вақти билан фойдаланиб турса бўлади.

15. Корхонага тегишли баъзи нарсалар (қалам, ручка, қоғоз) ни уйда фойдаланиш учун олиб кетса бўлади.

13 баллдан кам. Сизда ўртача ахлоқий-этик хусусиятларингиз жуда яхши ривожланган Сиз билан муомала қиладиган одамларга ҳавас қилса арзийди.

13 дан 30 баллгача. Сизнинг ахлоқий-этик хусусиятлар жамланган. Яхши тарбия топганлик аломатлари мавжуд бўлиб, уларни ривожлантириш сизнинг кўлингизда.

30 баллдан юқори. Сизнинг ахлоқий-этик хусусиятларингиз жуда паст. Ўз маънавий қиёфангиз тўғрисида ўйлаб кўришингиз ва уни ўзгартиришингиз талаб этилади. Сиз билан шериклик муносабатларини урнатиш қийин. Сизни на "бошлиқ" на "бўйсунувчи" сифатида қабул қилиш мумкин.

"Таваккалга тайёрлик даражасини аниқлаш" методикаси.

Йўриқнома. Суралаётган ҳаракатларни амалга оширишга тайёргарлик даражангизни баҳоланг. Қуйида берилган **25** та саволга ушбу чизма буйича балл қўйиб жавоб беринг.

+2 балл тўлиқ қўшиламан, тўлиғича "ҳа"

+1 балл "йўқ" дан кўра кўпроқ "ҳа"

+0 балл "ҳа" ҳам эмас "йўқ" ҳам эмас иккаласини ўртаси

-1 балл "ҳа" дан кўра кўпроқ "йўқ"

-2 балл тўлиғича "йўқ"

1. Оғир дардга чалинган олдамга тезроқ ёрдам кўрсатиш учун белгиланган тезликни нормадан оширишингиз мумкинми?

2. Агар жуда яхши маош тўлашни ваъда беришса, узоқ муддатли ва хафли экспедицияга боришга розилик берармидингиз?

3. Қочиб кетаётган хафли душман, қуролланган нўғрининг йўлини тўса оласизми?

4. Соатига 100 км тезлик билан ҳаракатланаётган поезднинг ёнида машинангизда кетишга қўрқмайсизми?

5. Уйқусиз ўтказган кунингизнинг эртасига нормал ишлаб кетаверасизми?

6. Совуқ дарёни биринчи бўлиб олдиндан сўзиб ўта оласизми?

7. Қайтариб беришина тўла ишонмаган тақдирда ҳам дўстингизга катта миқдорда пул қаризга бериб тура оласизми?

8. Сизни хафсиз деб ишонтиришган тақдирда шерни ўргативчиси билан бирга шернинг қафасига киришга журъат қиласизми?

9. Ташқаридан қўллаб туришган пайтда жуда баландликка тирмашиб чиқа олармидингиз?

10. Машиқсиз елканли қайиқни бошқара оласизми?

11. Юриб кетаётган отнинг жоловидан ушлашга журъат қиласизми?

12. Ўн стакан пиво ичиб олган тақдирда велосипедни бошқариб кета оласизми?

13. Зарурат бўлиб қолса, Тошкентдан Москвагача билетсиз кета оласизми.

14. Парашютдан сакрай оласизми?

15. Яқиндагина автоҳалокатда оғир жароҳатланган танишингиз билан, у рулда бўлгани ҳолда автотурнирга чиқишга журъат қила оласизми?

16. Ўт учирувчи тентига ўн метрлик баландликдан сакрай оласизми?

17. Узоқ муддат мобайнида тўшақда ётишни талаб қиладиган касалликдан қутилиш учун мураккаб операцияга розилик билдира оласизми?

- 18.Соатига 50 км тезликда ҳаракатланаётган юк вагонидпн сакрай оласизми?
- 19.Олти кишига мўлжалланганлифтга шошибтурган пайтингизда еттинчи киши бўлиб чиқиб олишингиз мумкинми?
- 20.Катта пул эвазига кўзингизбоғлиқ ҳолда серқатнов кўчадан ўта оласизми?
- 21.Ҳаёт учун хафли лекин юқори даражадаги маошли ишга розилик берармидингиз?
- 22.Кучли маст қилувчи ичимлик ичгач, фоизларни ҳисоблай оласизми?
- 23.Бошлиқнинг юқори даражадаги симни ушлай оласизми?
- 24.Қисқа муддатли тушунтиришлардан сўнг верталётни бошқара олармидингиз?
- 25.Кўлингизда билетингиз бўла туриб, лекин емиш ва пулсиз Москвага кета оласизми?

Калит:Юоридаги кўрсатмага кўра балларни ҳисобланг.

-50 дан +50 гача бўлган тўплаган баллингизнинг қийматини аниқланг, ўртачадан қайси томонга оғишига қараб,хулоса чиқаринг.Жавобларнинг ижобийлиги таваккалчиликка мойиллигингиз борлигидан дарак беради.

-30 дан паст—эуда эхтиёткорсиз

-10—+10 оралиғи—ўртача кўрсатгич

+20 баллдан юқори—таваккалчиликка мойилсиз

Таваккалчиликка тайёрликнинг юқори кўрсаткичи одатда мағлубиятдан қочиш мотивациясининг паст кўрсаткичи билан уйғунлашган(ҳимоя паст).Таваккалчиликка тайёрлик йўл кўйилган ҳатоликлар билан тўғри пропорционал равишда баҳоланган.**Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича.**

*ёш ўтиши билан таваккалчиликка мойиллик пасаяди.

*тажрибали кишиларда таваккалчилик кўрсаткичи анча паст бўлади.

*аёлларда,эркаклардан фарқли ўлароқ,айрим ҳоллардагина намоён бўлади.

*ҳарбий қумондонлар ва раҳбарларда ,талабалар билан солиштирилганда, таваккалчилик установаки юқорироқ намоён бўлади.

*рад этилган ички низоси бор шахслар таваккалчилик юқорироқ

*гуруҳ шароитида, якка ҳолдигидан фарқли ўлароқ, таваккал ишга мойиллик яққолроқ ва тез намоён бўлади ва бу руҳий кўринишларга ҳам боғлиқ.

Асабиймисиз?

Жудаям—3 балл, уняалик эмас—1балл, йўқ—0 балл.

Асабингизга тегадими?

- 1.Ўқимоқчи бўлган газетангизнинг саҳифаси ғижим бўлиб кетгани.
- 2.Қари аёлнинг ёш қизлардай кийиниб олгани.
- 3.Суҳбатдошингизнинг сизга яқин туриб олиши.Масалан,транспортда.
- 4.Кўчада чекаётган аёлни учратсангиз.
- 5.Кимдир сиз тарафга қараб йўталса ёки акса урса.
- 6.Кимнингдир тирноғини тишлаётганини кўриб қолсангиз.

- 7.Бекордан-бекорга кулаётган одам.
- 8.Кимдир сизга нимани қандай қилиш керак лигини ўзича ўргатса.
- 9.Яқинларингиз танишларингизнинг бирортаси доим кеч келса.
- 10.Кинотеатрда олдинги қатордаги одам тинч ўтирмасдан, кино воқеаларини айтиб ўтурса.
- 11.Ўқимоқчи бўлган китобингизни кимдир сизга гапириб беришни бошласа.
- 12.Сизга керак бўлмаган совғани беришса.
- 13.Кимдир жамоат траспортида баланд овозда гаплашаётган бўлса.
- 14.Жудаям кучли атир ҳиди келиб турса.
- 15.Гапираётган пайтида имо-ишорани кўп ишлатадиган одам.
- 16.Сизга тушинарсиз тилдаги сўзларни кўп ишлатадиган сафдошингиз.

40 баллдан юқори.Сизни сабрли ва босиқ одамлар тоифасига киритиб бўлмайди.сизни ҳамма нарса асабийлаштиради.Жаҳлингиз жуда тез чиқиб кетиши мумкин,бу ўз ўрнида асаб тизимини ишдан чиқишига олиб келади.

12 баллдан 39 баллгача.Айнидамдаги кайфият ваҳолат юзасидан кўпинча ёмон кайфиятдабўлсангиз,асабийлашишингиз мумкин.Бошқа холларда сизни ўртача даражадаги асабийлик тоифасига алоқадор қилиши мумкин.

11 баллдан кам.Сиз босиқ ҳаётга реал назар ташлайдиган одамлар тоифасига кирасиз.Жаҳлингизни чиқариш жуда мушкул.

А—2 балл, б—1 балл, в—0 балл

1.Дўстлик сиз учун:

- А)ҳамкорлик
 - Б)қўллаб-қувватлаш
 - В)альтруистлик
- 2.Ҳақиқий рассом биринчи ўринда эга бўлиши керак бўлган ҳислат:
- А)истеъдод. Б)қатъият в)тайёргарлик
- 3.Зиёфатларда ўзингизни қандай ҳис қиласиз:
- А)зиёфатдагиларнинг диққат марказида
 - Б)бемалол
 - В)хижолатли
- 4.Сизга бирор аёл(эркак)ёқса.
- А)биринчи бўлиб гапирасиз
 - Б)сизга эътибор қаратишини кўтасиз
 - В)сизга эътибор қаратадиган ҳаракатлар қиласиз.
- 5.Кутилмаган ҳолатга дуч келганингизда:
- А)тормозланасиз,вазиятга қараб иш тутасиз;
 - Б)интуициянгизга ишониб ҳаракатларингизни тезлатасиз.
 - В)ўзингизни ўқотиб қўясиз.
- 6.Кўпчилиكنи олдида гапираётганда:
- А)ҳамма сизни эшитади
 - Б)сизни танқид қилишади
 - В)хижолат бўласиз
- 7.Сафарга танишларингиздан кимни оласиз?
- А)энг кучлисини
 - Б)энг ақиллисини
 - В)энг тажрибалисини.
- 8.Ҳаётингизни қандай белгилайсиз?
- А)қартадаги ўйинларда
 - Б)шахмат партиясида
 - В)бокс матчида
- 9.Қайси геометрик фигура бўлардингиз:
- А) шар б)куб в) цилиндр

6 баллдан кам.Сизга топшириқ бергандан кўра уни бажарган осонроқ.Етакчилик хусусиятларингиз жуда кам. Сиз кўпроқ вазиятларди диққат марказида бўлишни хоҳлайсиз,айниқса келишмовчилик ҳолатларида. Ҳеч кимга маслаҳат бермайсиз ва ўз фикрингизни ўтказишга ҳам ҳаракат қилмайсиз.

6 баллдан 12 баллгача.Баъзида сизда лидерликка интилиш кўзатилади,лекин етакчиликка талабгор эмассиз.Баъзи ҳолларда жамоадошларингиз сизга лидер сифатида ишонишлари мумкин.

12 баллдан юқори.Сизда лидерлик хусусиятлари яхши шаклланган.Сиз маваффақият билан жамоани бошқаришингиз мумкин.Атрофдагиларни фикри билан ҳам бироз қизиққан ҳолда мажбурлов чорасини эмас, балки ишонтириш орқали иш кўришни ўзлаштиришингиз лозим.

Қанчалик одобли ёки низолисиз?

а—2балл, б—1 балл, в—0 балл

- 1.Жамоат транспортида баҳис бошланди,сизни ҳаракатингиз:
- А)иштирок этмаман
 - Б)ким ҳақ бўлса уни ҳимоялаш учун сўз айтаман
 - В)баҳисда фаол ишътирок этишга ҳаракат қиламан

2.Мажлисларда ёки сафдошларингиз билан бошлиғингизни танқид қилишингиз мумкинми?

А)йўқ.

Б)сабаб бўлса танқид қиламан

В)нафақат бошлиғимни, балки уни ҳимоя қилаётганларни ҳам танқид қиламан

3.Яқинларингиз билан кўп баҳислашасизми?

А)агар улар ҳафа бўлмайдиганлар қаторида бўлишса

Б)фақат энг муҳим масалалар бўйича

В)баҳислашишни яхши кўраман.

4.Навбатда турганингизда кимдир навбатсиз суқилишга ҳаракат қилса:

А)ичимда жаҳлим чиқса ҳам индамайман

Б)танбеҳ бераман

В)олдинга ўтиб тартиб ўрнатишга тушаман

5.Олдингизга тузсиз овқат олиб келишди:

А)эътибор бермасликка ҳаракат қиламан

Б)индамасдан ўзим тузини ростлайман

В)жаҳлим чиқиб ,овқат ичишдан бош тортаман

6.Транспортда оёғингизни босиб олишди:

А)жаҳил билан қарайман

Б)танбеҳ бераман

В)ичимдаги бор гапларни айтишдан қайтмайман

7.Яқинларингиздан кимдир сизга ёқмайдиган нарсани сотиб олган:

А)индамайман

Б)оғриқсиз изоҳ бераман

В)бекордан-бекорга пул сарфлаганидан жаҳлим чиқиб,уришаман.

8.Лотереяда ютқазиб қўйдингиз:

А)бефарқ бўлишга ҳаракат қиламан,ичимда бошқа ўйнамасликка сўз бераман

Б)ҳафа бўлганимни беркитмайман,ҳазилга буриб юбораман

В)бу анчагача кайфиятимни бузиши мумкин

10баллдан кўп Сиз баҳис ванизоли вазиятлардан осон чиқиб кета оласиз, уйда ва ишхонада қалтис вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қиласиз.Мослашиш даражангиз жуда юқори .Вазиятга объектив ёндашмасангиз “иккиюзламачилигингиз”билиниб қолади

6 балладан 10 баллгача. Сиз бошқа цўл топа олмаганингиздан низоли вазиятга тушишингиз мумкин. Ўз фикрингизда қатъий туриб олиб,унинг иш фаолиятингизга вадўстона муносабатларингизга қандай таъсир қилишини ўйламайсиз.Ўзингизни ерга уриб,ахлоқ меъёрларидан чиқмаслигингиз учун сизни ҳурмат қилишади.

6 баллдан кам. Баҳис ва низоли вазиятлар сизнинг жонудилингиз,уларсиз ҳаётингизни тасаввур қила олмайсиз.Сизга қарата айтилган танбеҳни эшитиб қолсангиз,у одамни “тириклайин ютиб юборишингиз ”мумкин.Сиз билан ишлаш жуда қийин, ўзингизни тута олмаслигингиз ва қўполлигингиз сизни одамлардан четлаштиради. Шунинг учун ҳам ростмана дўстларингиз йўқ.Ўзингизни бошқариш орқали характерингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг.

Қатъиятлимисиз?

(“Ҳа” ёки “Йўқ” деб жавоб беринг)

1. Эски иш жойингизда янги қоида, янги иш тутиш услубига, яъни сиз ўрганиб қолган шароитдан бошқача шароитга осон мослаша оласизми?
2. Янги жамоага тез мослаша оласизми?
3. Раҳбарларингиз фикрига тўғри келмаса ҳам уз фикрингизни айта оласизми?
4. Агар сизга юқори ойлик билан иш-фаолиятингизни узлаштиришни таклиф қилинса ишигизни узлаштирармидингиз?
5. Қилинган хатода уз айбингизни инкор этиш учун турли баҳоналар топасизми?
6. Рад жавобингизни тугри ортикча айлантиришларсиз баҳоналарсиз айта оласизми?
7. Жиддий гап-сузлардан кейин у ёки бу масалага нисбатан уз фикрингизни узгартирасизми?
8. Қимнингдир ишини уқийётганизда (хизмат юзасидан) фикр юналиши тугри лекин ёзилиши услуби сизга ёкмаса уни уз фикрингиз асосида узлаштириш-ларига астойдил ҳаракат қиласизми?

9. Дукодн витринасида Сизга жуда ёкадиган нарсани куриб колдингиз у сизга жуда керак булмаса хам олган булармидингиз?
10. Сиздан илик таассурот уйгонган якин танишингиз таъсири остида фикрин гизни узгартирасизми?
11. Таътилингизни олдиндан режалаштирасизми ёки нима булса буларми?
12. Берган вадангизни устидан доим чикасизми?

Зол	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Ха	3	4	3	2	0	2	3	2	0	0	1	3
Йук	0	0	0	0	4	0	0	0	2	3	0	0

10 баллдан кам. Сиз ўта қатъиятсизсиз. "ҳа" ва "йўқ"ларни узоқ солиштириш хусусиятига эгасиз. Муаммони бошқа одамга юклата олсангиз, ўзингизни бахтиёр сезасиз. Бирор қарорга келишдан олдин жуда кўп маслаҳатлашасиз ва қисман қарорга келишни маъқул кўрасиз. Мажлис ва йиғилишларда индамай ўтирасиз, лекин бир чеккада "сўзга чечансиз". Бунинг ҳаммасини эҳтиёткорликка йўйманг, бу қурқоқлик. Сиз билан яшаш ҳам ишлаш ҳам жуда қийин. Сиз жуда катта интеллектуал билим, тажриба соҳиби бўлсангизда, қатъиятсизлигингиз уларни даражасини сусайтириш имкониятига эга. Сизга ишониш қийин, сиз одамларнинг ишончини оқлай олмайсиз. Қарорларингизни имкониятларингиз билан солиштирган ҳолда қабул қилишга ўрганинг, улар сизни адаштирамайди.

11 баллдан 18 баллгача. Сиз эҳтиёткорлик билан қарор қабул қиласиз, тезкорлик талаб қиладиган муаммоларда ўзингизни йўқотиб қўймайсиз. Муаммони ҳал қилиш учун вақт кўп бўлса, турли хил фикрлар исканжасида иккиланиш, имкониятини қулдан чиқариб юбормасликка интилиш йўлида ўз имкониятларингиз, даражаси бўлса, ҳам юқори турувчи раҳбарлар билан маслаҳатлашишга интиласиз. Сиз кўпроқ ўз тажрибангизга ишонган ҳолда қарор қабул қилишга ҳаракат қилинг. Иложсиз ҳолларда маслаҳатлашингиз мумкин, лекин буҳолат ўз фикрингизнинг тўғрилигини исботлаш мақсадида намоён бўлиши керак.

19 баллдан 28 баллгача. Сиз жуда қатъиятлисиз. Сизнинг тажрибангиз, масаланинг моҳиятини ечишда, мантикий фикр юритишингиз, муаммоларни тез ва осон ҳал қилишингизга ёрдам беради. Баъзида шошилиш қарорлар чиқаришингиз ва адашишингиз мумкин, лекин бу жуда кам учрайдиган ҳолат. Қабул қилган қарорларингизни охирига етказмагунча қўймайсиз, нотўғрилигини англаган ҳолингизда ҳам курашишни бас қилмайсиз. Сиздан қарор қабул қилишда холис булиш талаб этилади. Имкониятингиздан ташқари масалаларда маслаҳатлашишни нотўғри деб ҳисобламанг.

28 баллдан юқори. Қатъиятсизлик сизга ёт нарсаси, сиз ўзингизни барча соҳаларда лаёқатли билимга эга деб ҳисоблайсиз ва бошқаларнинг фикри билан қизиқмайсиз. Қарорларингизни муҳокама қилиниши сизни қаттиқ асабийлаштиради ва сиз бунини оширишга ҳаракат қилмайсиз. Атрофдагилар олдида ўз фикрингизни тасдиқлаш учун баъзи жуяли фикрларни рад қилишингиз мумкин. Ўзингизнинг ҳақлигингизга қаттиқ ишониб қолишингиз сиздаги асосий камчилик ҳисобланади. Бундай ишлаш услуби қўл остингиздаги ходимларни эркин фикрлаш ва иш юритиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган, мустақил иш юритишга имконият қолдирмайсиз, ўзингиз билмаган ҳолда уларда қатъиятсизликни тарбиялаб борасиз. Бундай ҳолат фаолият муваффақиятига кучли таъсир қилиб, жамоанинг руҳий муҳитига зарба бериши кутилади.

Сиз билан муомала қилиш ёқимлими?

- 1.Сиз кўп гапиргандан кўра эшитишни маъқул деб биласизми?
- 2.Сиз гаплашиш учун мавзуни ҳаттоки нотаниш одам билан ҳам топа оласизми?
- 3.суҳбатдошингизни доим ҳам диққат билан тинглайсизми?
- 4.Маслаҳат беришни яхши кўрасизми?
- 5.Суҳбат мавзуси ёқмаса,бунисуҳбатдошингизга кўрсатасизми?
- 6.Сизни эшитишмаётганлигидан асабийлашасизми?
- 7.Ҳар бир фикргаўз нуқтаи назарингиз мавжудми?
- 8.Агар суҳбат мавзуси сизга нотаниш бўлса,давом эттира оласизми?
- 9.Сиз диққат марказида бўлишни ёқтирасизми?
- 10.Ҳеч бўлмаганда уч хил йўналишда пухта билимга эгамисиз?
- 11.Сиз яхши нотиқмисиз?

1,2,3,6,7,8,9,10,11-саволлари учун “ҳа” жавобига 1 баллдан,4 ва 5- саволларига “”йўқ жавоби учун ҳам 1 баллдан ҳисобланг.

4 баллдан кам.Сизни гап олиб бўлмайдиган камгап инсон деб бўлмайди, ёки жуда сергаплигингиздан сиздан қочишга ҳаракат қилишлари ҳақиқат.Сиз бюилан мулоқат қилиш жуда қийин ваоғир.Бунинг устида ўйлаб кўрмасангиз булмайди.

4 дан 9 баллгачаСиз унчалик муомалали эмасдирсиз,лекин доим эътиборли ваёқимтой суҳбатдошсиз.Кайфиятингиз йўқ вақтида хаёлингиз паришон бўлиши мумкин,лекин сиз ҳеч қачон атрофингиздагилардан бундай вақтларда алоҳида эътибор талаб қилмайсиз.

9 баллдан юқори.Сиз мулоқатда энг ёқимли инсон ҳисобланасиз.Дўстларингиз сизсиз ҳечнарсга қила олмайдилар.Бу жуда яхши,фақат бир савол туғилади:сизга ўйнаётган ушбу ролингиз доим ёқадими ёки сиз худди актёрлардек саҳна ўйинчисимисиз?

Ҳаётда фаолмисиз.

Орамиздаги аксарият ўз фаолияти даражасини баҳолай олиб,уни шахсий баҳосидан келиб чиқган ҳолда намоён этишга қодир.Шу билан бирга, табиатан катта ҳаётий фаолликка эга инсонлар ҳам бор, аммо улар фаоллик ҳақида умуман тушунчага эга эмасдирлар.Қуйидаги тест саволларига жавоб бергач, ўзингиз ҳақингиздаги фикрингизга тасдиқ топасиз ёхуд янги бир нарсани кашф этасиз.

1.Инсоннинг ривожланиши ва жамиятда маълум бир ўринга эга бўлиш учун “ҳаёт мактаби” зарурми?

А)ҳа б)йўқ

2.Ҳар дақиқадаги кураш,мусобақа,ғояларни амалга ошириш муҳитида ўзингизни барҳам ҳис этасизми?

А)ҳа б)йўқ

3.Замонавий сиёсий етакчиларнинг қайси вазифаларидан биринимуҳим деб биласиз?

А)амалий вазифалар ечимини

Б)инсон шаъни ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини

4.Агар дўст танлаш имкониятига эга бўлсангиз,ким билан дўстлашган бўлар

эдингиз?

а)иш билармон,меҳнатсевар,амалий ақл заковатга эга инсонни

б)фикрлай оладиган, орзу-ҳавасли кишини.

5.Йўлингизда учраётган ғовларниенгиб ўтиш учун куч-қувватингиз етарлими?

А)ҳа б) йўқ

6.Ҳозирги фаоллик даврида яшаётганимиз учун қувонишимиз мумкин деб ҳисоблайсизми?

а) ҳа б) йўқ

7.Оловга тикилиб ўтиришни ёқтирасизми?

А)ҳа б) йўқ.

8.Қуйидаги бурч белгиларидан бирини остида туғилганмисиз:қўй, арслон,ёй.

А)ҳа б) йўқ

9.Илтимосингизнинг бажаришнинг имкони йўқлигини билсангизда, рад жавобини эшитгач,ҳафа бўласизми?

А) ҳа б)йўқ

10.Тиним билмай гапиришни ёқтирасизми?

А) ҳа Б) йўқ

11. Ҳар бир йўл мақсадлар сари олиб боради,деган ақидага амал қилиб яшайсизми?

А)ҳа Б)йўқ

12.Тезликни талаб этадиган ҳаракатларни яхши кўрасизми?

А)ҳа Б)йўқ

Энди балларни жамлаб кўринг.3, 4-саволлардан ташқари, барча саволлардаги “ҳа” жавобига 5 баллдан ва3 –саволдаги “а ” жавобига, 4- саволдаги “б” жавобга 5 баллдан қўшиб чиқинг.

40 дан 60 баллгача .Сиз қувноқ феълингиз билан ажралиб турасиз,одамлар билан осон ва келишган ҳолда яшайсиз.Сизда раҳбар хусусиятининг маълум бир кўринишлари мавжуд.Сиз ҳаракатчан ва фаолсиз.Бошқалар (масалан раҳбарлар) ёрдамига муҳтож бўлиб қолишни ёқтирмайсиз.Ҳаётда нимаики билсангиз, бу шахсий изланишларингиз самараси деб биласиз.Чунки сиз самарали меҳнатга қарашларингизни атрофдагиларга сингдириш қобилиятига эгасиз.Атрофдагиларни ҳаракатчанлигингиз ва зудлик билан бир қарорга келиш хусусиятингиз туфайли ортда қолдирасиз, масъулиятни бўйнингизга ола биласиз. Ўз даврингизда сизниавваламбор ғаройиб фаоллигингиз сабабли ёқтиришади.

0 дан 35 очкогача.Афсуски, сизнинг куч- қувватингизни кучли хусусиятингиздан бири деб бўлмайдди. Сиз тезда чарчайсиз,масъулиятни ўз бўйнингизга олишни истамайсиз.Фикрингизни ошкор этмасликка уринасиз.Атрофдагиларга нисбатан лоқайдли ваэҳтиёткорлигингиз ҳаддан зиёд.Қолаверса,зўрма-зўр бир қарорга келасиз.Сизнинг қувватингиз, шунингдек, ҳаракатланиш қобилиятингиз,тасаввурларингиз ва кўрқувларингизга боғлиқ.Қалбингизни очишга уриниб кўринг.

Диққат ва ирода хусусиятларини аниқловчи тест.
“Ҳа”–2, “билмайман”–1, “йўқ”–0

1. Сиз қизиқмайдиган лекин вақти-вақти билан дам олиб ишлаш имконияти мавжуд булган ишни охирига етказа оласизми?
2. Катта қийинчиликларсиз ички қаршилигингизни енга оласизми (масалан, дамолиш кунда нарядга тушиш)?
3. Зиддиятли вазиятга тушиб қолганингизда ўзингизни қўлга олиб, вазиятга теран, холисона қарай оласизми?
4. Агар сизга парҳез буюрилган бўлса, турли-туман егуликлардан ўзингизни тия оласизми?
5. Кечқурун режалаштирганингиздек, ҳар кунгидан вақтлироқ тура оласизми?
6. Нохуш воеа-ҳодиса юз берган жойда гувоҳлик бергани қоласизми?
7. Хатларга тез жавоб ёзасизми?
8. Самоётга чиқиш, тиш докторининг қабулига кириш олдидан пайдо буладиган қўрқувни осон енга оласизми?
9. Врач тавсия этган бадхур дорини қабул қила оласизми?
10. Вазият тақозо этиб, аччиқ устидан берган сўзингизни устидан чиқа оласизми, агар усизга зиён келтирса ҳам?
11. Нотаниш шаҳарга хизмат сафарига ўйланиб ўтирмасдан кета оласизми?
12. Кун тартибига қатъий роя этасизми?
13. Кутибхонадан қарздор сафдошларингизни оқламайсизми?
14. Жудаям қизиқ телекўрсатув сизни муҳим ва тезкор ишингиздан чалғита оладими?
15. Қарши томон сизни қанчалик ҳақоратлаб, хафа қилса ҳам, жанжални тўхтатиб, жим бўла оласизми?

8 баллдан кам. Диққат хусусиятларингиз яхши ривожланмаган, кўпинча бошлаган ишингизни охирига етказа олмайсиз, ваъдангизнинг устидан чиқа олмайсиз, муҳим ишни ҳам ташлаб кетишингиз мумкин.

8–13 баллгача. Сиз оддий керак бўлса диққатли, иродали бўлишингиз мумкин, кундалик ҳаётда ўз камчиликларингизга йўл берасиз.

14–18 баллгача. Иродалисиз, ўз камчиликларингизга йўл қўймайсиз, масъулият ҳисси юқори, сизни ҳеч ким айтмоқчи бўлганингиздан қайтара олмайди.

18 баллдан кўп. Жудаям иродали ва диққат хусусиятларингиз яхши ривожланган, лекин одамлар билан муносабатда келишувчанлик, меҳрибонлик одамийлик хусусиятларингиз яхши ривожланмаган.

Сизга стресс хаф соладими?

А—3 балл, Б—2 балл, в—1 балл.

Қуйидаги тасдиқлардан бирини танланг!

1.а)ишда ва ишдан ташқаридаги муносабатларимда, спорт ўйинлари ва қизиққон ўйинларда рақобатдан кўрқмайман вақаршилиқ кўрсата оламан.

б)агар ўйинда ютқаза бошласам ёки кўрсатаётган эътиборимга яраша жавоб ололмасам ўйиндан чиқишга ҳаракат қиламан.

в)ҳар қанақа келишмовчилик ҳолатларидан нари юраман.

2.а)мен иззатталабман ва кўп нарсага эришмоқчиман:

б)фаол эмасман: “денгиз бўйида ҳавонинг ўзгаришини кутиб ўтираман”

в)кўпинча ишдан қочиш ҳаракатини қиламан.

3.а)мен тез ишлашни ёқтираман,ишни тугатишга сабрим чидамайди:

б)кимдир мени чалғитишига ишонаман;

в)уйга келганимда ишда нима бўлганини ўйлайман.

4.а)мен тез ва қаттиқ гапираман.Мулоқатда кескинман ва сергаплик одатим бор

б)менга”йўқ” деб жавоб беришса,ўзимни тута оламан:

в)ўз ҳиссиётларим ва хавотирларимни бошқариш менга бир оз қийин.

5.а)мен кўп зерикаман

б)менга ҳеч нима қилмаслик ёқади

в)мен ўз фикримдан кўра кўпроқ бошқаларнинг фикри билан иш кўраман.

6.а)мен тез юраман, овқатланаман ва ҳаракатланаман.

б)бирор нарсани эсдан чиқарган бўлсам, бу мени кам ташвишлантиради

в)мен ўз ҳиссиётларимни бошқара оламан.

11 баллдан юқори—сизда стресс хафи мавжуд.Сизда юрак хуружи, ошқозон-ичак касалликлари, қандли деабет касаллиги аломатлари пайдо бўлиши мумкин.Сиз билан муомала қилиш жуда қийин.Сиз учун энг муҳими-ўзингизни тинчлантира билиш.Бу сиз учун фойдали, атрофдагилар учун эса ёқимли.

9 дан 11 баллгача.Сиз босиқ инсонсиз,сизга стресс хаф солмайди.Агар 9 балл олган бўлсангиз атрофингиздагиларга нисбатан биров сабрли бўлинг.Шундагина сиз кўп нарсага ортиқча асаб зўриқишларига эришишингиз мумкин.

9 баллдан кам. Сизнинг ҳаракатсизлигингиз ҳам стресс ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Сизга қараб атрофингиздагиларнинг асаби бузилаётганини сезмаган бўлсангиз керак.Ўзингизга ишонинг! Барча ижобий хусусиятларингизни ёзиб чиқинг ва уларни такомиллаштиришга ҳаракат қилинг.

Психогеометрик тест

Ўзингизни қайси геометрик фигурага ўхшата оласиз?Ёки шу шакл сизга кўпроқ ёқади: эстетик жиҳатдан,мазмун-моҳиятидан. Қуйида келтирилган геометрик шаклларни сизга ёқиш даражасига мувофиқ 1....5 гача рақамлар билан белгилаб чиқинг,1 рақами энг ёққан шаклга, 2 рақамини ундан кейинги ўринни эгаллаганига.

Ушбу тест муаллифи америкалик рухшунос **Сьюзен деЛингер** ҳисобланади. Психогеометрик тест ёрдамида ходимларни

Касбга танлаш ва хизматтақсимлаш мумкин бўлиб, тест машҳур рухшунос олим **К.Г. Юнг** типологияси асосида вужудга келган.

Шахс муайян бир шаклни танлаши билан касби ваъзига хос психологик хусусиятларини намоён қилади. Бу тест ўзимиз билган ва билмаган қобилиятларимизни ўрганишга имконият беради. Шакллардан ҳар бири шахсдаги маълум хусусиятни белгилайди: бири ақлий хусусиятни ифодаласа, иккинчиси кўришимлилик хусусиятларини, учинчиси эса фаолликка лоёқат даражасини белгилайди.

***Квадрат** шаклининг асосий тавсифи:

***Биринчидан**, юқори даражадаги ижрочилик, яъни амалий хусусияти бўлиб, ҳар қандай ишни, ҳар қандай вазиятда охирига етказа олиш хусусияти билан белгиланади. Янглиш фикрни шакллантирмаслик учун айтиш мумкин, "ижрочилик" деганда биз фақат автоматлаштирилган, англамаган ҳаракатларни тушинишимиз керак эмас. Чунки ҳамма ҳам бошлаган ишини охиригача етказишга қодир эмас.

***Иккинчидан**, ахборотларни фадрлаш, ахборотланга қизиқиш улар билан самарали, ишлай олиш қобилиятини яхши ривожланганидан далолат беради. Жамоа аъзолари ичида ҳаммадан ҳам кўп ахборотга эга, ундан унумли фойдалана оладиган, қандай қилиб кимдан ахборот олиш техникасини яхши эгаллаган тип ҳисобланади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу тип жамоада ҳам, ўзи учун ҳам жуда қимматли инсон. Ўзингизга маълум, ким ахборотга интильса, унинг эгаси бўлса ва, энг муҳими, ундан фойдалана олса, у сўзсиз ҳокимият тепасида бўлиши муқаррар!

***Учинчидан** аҳамиятга эга хусусияти—бу бор имконият ва ваколатларидан фойдалана олмаслик, бошқарувчилик хусусиятларини яхши шаклланмаганлигидир. Квадрат вазифа ва топшириқни қандай қилиб бажаришни тушунириб ўргатишдан кўра, ўзи шу вазифани бажариб қўйишни афзал деб билади. Шунинг учун ҳам бу тип эгаларини доимий руҳий вожисмоний зўриқиш, стресс, асабийлик, соғлиқдан шикоят қилган ҳолда учратамиз. Бўлинма ва қисмларда квадрат типларининг йўқлиги бу жамоа иш унимдорлигининг пастлигидан далолат беради. Квадратлар жамоада ҳар қандай фаолиятни юритишга муҳим ҳисобланган "ишчанлик руҳини" яратувчи шахслар ҳисобланишади. Атрофдагиларни ишлата олмаслик хусусияти квадратнинг раҳбар лавозимларида иш юритишни қийинлаштирувчи асосий омил ҳисобланади. Шунга қарамаздан, баъзи шахслар ҳамон ўзи учун муваффақият олиб келадиган фаолият турини танлай олишмайди. Шахсга осондай туюлган фаолият турининг қийинчилик билан бажарилиши шахс руҳиятига, жамоа аъзоларининг фаолият юритишига, оила аъзоларининг руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи бош омил бўлиб, қисқа муддат ичида шахсда руҳий асаб хасталикларининг келиб чиқишига асосий сабаб бўлиб хизмат қилади. Квадратнинг ахборотларга бўлган қизиқиши доимий равишда жамоа аъзоларининг хулқи ва интизомини назорат қилиб туради. Ҳамма ерда интизом, тартиб ва озодаликни талаб қилиш, тизимлаштириш—квадратнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Квадратнинг кўриниб турган белгиси тартиб-интизомга қаттиқ роя қилиш, иш столида доимо тартиб бўлиши. Бегоналарни ўрнатилган тартибни бузиши унинг учун фожиага айланиши аниқ. Ташқи кўриниш алдоматлари—доимий равишда кастум-шим, галстук эгаси. Квадратни эътиқодидан қайтариш ўта мушкул вазифа. Ҳар қандай шароит, вазиятда аниқлик ва урф-одатларни қадрлайди, уларга қатъий роя қилади: стандарт кийим, стандарт ҳаёт, стандарт иш, стандарт фикрлаш, ҳамма нарсада режа ва асосийси, қатъийлик рамзи бўлишади. Янгиликларни ўзлаштиришда атрофдагиларнинг фикри билан иш қилишни, фикрдан қайтаришни бу тип эгаларида камдан-кам учратиш мумкин.

***Учбурчак** энг илғор хусусияти бу унинг бетакрор "лидер"лик етакчилики

хусусиятидан самарали фойдалана олишидир. Ўзини кўрсатиш, доимо биринчиликка, шухратга интилиш бу тип эгаларида ёрқин намоён бўлади.

*Биринчидан—ҳар қандай ҳолат, шароитда вазиятдан устамонлик билан чиқиб кетишда, атрофидаги инсонларда мавжуд илғор хусусиятлардан ўрнида ва жуда самарали фойдалана олиш хусусиятида яққол кўринади.

*Иккинчидан, улар энг яхши маънода ўзини яхши кўриш, қадрлаш, эъзозлаш хусусиятидир. Жамоа аъзолари ичида энг кўп ўзини қадрлайдиган шахслар ҳисобланишади.

*Ҳиссиётларга ўта бой, кўпинча ҳиссиётларини жиловлаш учун ортиқча куч сарфлашларига тўғри келади. Асабийлашган, муаммони ечимини топа олмаган вақтларида ўзини тута олмайди, бақирари, столни муштлаши, эшикни жаҳл билан ёпиши, қўл жангига киришиб кетиши мумкин.

*Учбурчаклар раҳбар лавозимларининг энг пастидан, энг юқори поғонасига эриша олишга туғма лаёқати мавжуд шахслар ҳисобланишади.

*Учбурчакларнинг хатти-ҳаракатларини олдиндан башорат қилиш, режалаштиришнинг иложи йўқ, улардан доимий равишда кутилмаган ерда кутилмаган ҳаракат вафикрни кутиш мумкин.

*Ўз хоҳиш ва иродасини фаолият юритишдаги асосий юналиш деб билади.

*Учбурчаклар ҳар қандай фаолиятни ўз қарашлари, фикри, эътиқоди асосида йўлга қўйишади. Улар атрофдагиларни кам эшитишади, кўпроқ ўз ички овозига ишонишонадилар. Аҳамият берадиган бўлсак, бу раҳбар ходимларда энг кўп учрайдиган салбий хусусият ҳисобланади.

***Айлана ёки сфера**, бир дунё фалсафий маъно ва тарифларга бой идеал шакл ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу типдаги шахслар тинчлик тарафдорлари: турли кўринишлардаги келишмовчилик, низо, баҳс – мунозарали ҳолатларга аниқлик киритиш, уларни бартараф этишда ноёб инсонлар ҳисобланишади.

*Турли кўринишдаги келишмовчиликларни таъби кўтармайди, атрофдагиларнинг кулфату азоблари, шундай ҳолатнинг мавжудлиги ёки шундай ҳолат келиб чиқиши мумкинлиги уларга кучли таъсир этади.

*Жамоада сферанинг йўқлиги ёки камлиги доимий равишда низоли вазиятларнинг келиб чиқиши, жамоанинг маънавий-руҳий муҳитининг носоғломлиги, турли хил ғийбат, миш-мишларнинг кўпайиши, жамоа аъзоларининг юқоридаги ҳолатларига мойиллиги ортишида намоён бўлади.

*Ушбу типдаги шахсларни жамоа, қисм ва бўлинмаларга жойлаштириш жамоадаги маънавий-руҳий муҳитни барқарорлаштириши мумкин.

*Бу тип шахслар кучли даражада руҳий – ҳиссий сезгир бўлиб, таъсирчанлик даражаси юқори бўлади.

*Ула нотўғри ҳаракат, сўз билан осон хафа қилиш мумкин.

*Кескин “йўқ” деб айта олишмаслиги сабабли, биз уларни раҳбар лавозимларда тасаввур қила олмаймиз.

***Тўғритхртбурчак** типдаги шахсларга икки хил тавсиф бериш мумкин: Биринчилари— беқарор, ўзгарувчан руҳий ҳолатга эга шахслар. Ушбу шаклни танлаган шахсларга нисбатан уларни утиш даврини бошидан кечиришмоқда деб айтишимиз мумкин. Ўсмир ёшлар ва оиласида, иш фаолиятида ўзгаришлар (иш жойини алмаштириш, янги квартира сотиб олиш) рўй берган шахслар бу шаклни танлашга мойил бўлишади.

*Юқори ижодий имкониятларга эга ижодкор шахс типи. Бу типдаги шахсларни жамоа ичида фаолиятини баҳолаш кучли таъсир доирасига эга бўлиб, рағбатлантириш, мақташ самарали ҳисобланади, акс ҳолда тўғритхртбурчакларнинг фаолияти салбий томонга оғиб кетиши кўзатилади.

*Ҳар қандай ижобий ҳаракатлари тақдирланмаса, бу тип эгалари ўз имкониятлари даражасини бир пағонага тушириб юборишади.

*Жамоада бундай типларнинг кўплиги шахслараро низоли вазиятларни кўчайтириб юборади.

*Бу тип эгаларини фаолиятда қизиқиш уйғотган мақсадни аниқлаш орқали

самарали ишлатиш мумкин.

*Тўғри тўртбурчакларнинг ҳаракатларини олдиндан билиш—қийин, улар ўз хусусиятларини баъзида ижобий, баъзида эса салбий намоён этишлари мумкин.

*Тўғри чизик – туғма ижодкор, ҳамма ерда ҳар қачон янгилик ярата олади (ҳаттоки керак ва нокерак мавзу ва йўналишларда ҳам)

*бу тип эгалари самарали фаолият юритишлари учун барча шароитлар махсус танланиши талаб этилади, яъни алоҳида кун тартиби, ишлаш қулайликлари тўғри келган тақдирдагина уларнинг фаолиятдан муваффақият кутиш мумкин.

*уларни бир меъёрга, ўрнатилган тартибда тушириш мушкул ва ижобий натижа келтирмайди.

*бўндай шахсларни юқори даражада шаклланган ақлий имкониятларини юқоридаги хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолиятга тақсимлаш зарур.

*жамоада бу шахсларга ноанъанавий тарбия, таълим ва бошқарув усулларини қўллаш тавсия қилинади.

*ҳамма учун бир хилда, бир оҳангда айтилган, кўрсатилган, тушунтирилган нарсалар улар томонидан бошқача қабул қилинишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ (масалага ижодий ёндашув инсонларда ўзига хос хусусиятга эга), акс ҳолда ҳамма нарсанинг тескари аломатлари намоён бўлиши мумкин.

*Ёдингиздан асло чиқарманг, жамоада бундай шахсларни мавжудлиги вазият ва ҳолатга ижодий ёндашувни келтириб чиқаргани ҳолда, жамоа аъзоларида янгиликларни осон қабул қилиш, уларни ўзлаштиришга ундовчи қизиқишларни шакллантиради.

Хулоса сифатида юқорида келтирилган типларни жамоаларга тақсимлаш масаласига тўхталадиган бўлсак: гуруҳларга тақсимлашда шакллантирилиши лозим гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарур. Масалан: ижодий гуруҳ, тезкор гуруҳ, вазифалар тақсимооти аниқ режалаштирилмаган ва ҳ.к. Гуруҳ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда баъзи типлар сони кўпайтирилиши ёки камайитирилиши кўзда тутилади.

7 кишилик жамоага 1 тадан учбурчак, эгри чизик, сфера ва тўғри тўртбурчак, қолганлари эса квадрат, яъни “ишчи отлар”ни тавсия этилади.

Машинангизнинг ранги характерингизни билдиради

Киши руҳиятини ўрганишнинг турли-туман усуллари бор. Бироқ характернинг қандайлигини машинанинг рангига қараб бемалол айтиб бериш мумкин экан. Агар машинангиз бўлмаса, сизга қандай рангдаги машиналар ёқишини сўрашнинг ўзи кифоя.

Кўк рангдаги автомобилни маъқул кўрувчилар жуда самимий инсонлар бўлиб, ҳамма билан тез тил топишиб кетишади. Бироқ уларнинг тасаввурлари саёз, бирон янги фикр, ғояни ўйлаб чиқиш уларга хос эмас. Бундай кишиларнинг бошқаларнинг улар ҳақидаги фикрлари жуда қизиқтиради, улар кўпинча, ўзларини бошқалардан устун қўядилар.

Қора рангдаги машиналарни ёқтирувчи кишилар учун жамиятдаги нуфузи биринчи даражада туради. Улар соф виждонли ва қатъиятли кишилардир. Уларнинг таниш-билишлари кўпчиликни, яқин дўстлари эса озчиликни ташкил қилади. Кундалик ҳаётда бундай кишилар ташкилотчи, уйда ва ишда тозалик, тартибни яхши кўрадилар.

Яшил рангдаги автомобиль эгалари тажрибали, бир сўзли ва узоқни кўриб иш юритувчи кишилардир. Уй ва оиласини ишидан устун қўядилар, уларда рақобатлашиш ҳисси йўқ, шунинг учун дўстлари кўпчиликни ташкил этади.

Қизил машина соҳиблари ҳамиша юқорига интилиб яшайдилар. Улар самимий, ҳозиржавоб ва очиққўл кишилардир. Уларнинг серғайратлиги, кўпинча рақибларда ҳасад уйғотади, бироқ бу уларнинг ҳар қандай шароитдан чиқиб кетишларига ҳалал бермайди.

Кулранг машинани маъқул кўрувчилар ҳар тамонлама етук, ҳақиқатгўй кишилар ҳисобланади. Улар ҳар доим ўзларини кимдандир қариздор ҳис қилиб

юришади.Бирон фирибгарликка дуч келиб қолишса, ҳақиқатни юзага чикармагунча курашишади.Бундай кишилар кўпинча,соғлом турмуш кечиришади.

Қирмизи рангли машинани ёқтирувчилар жуда хаёлпараст инсонлардир, улар тез севиб қолувчи,нафосатли ва ёқимтой кишилар,лекин тажриба борасида бироз нўноқроқ. Шунинг учун касб танлаш ва фаолият юритишда қийналадилар.Улар гоҳида оилавий ҳаётда ҳам кўп тўсиқларга дуч келишади.

Оқ рангдаги машина соҳиблари ҳам жамиятда юқори нуфузни эгаллашга интиладилар.Бундай кишилар ростгуй,масъулият ҳис қилувчи вабироз совуққон кишилар ҳисобланишади. Оқ рангли машина эгалари келажакни кўра оладилар, омадсизликлар уларни эсанкиратиб қўймайди.

Кумуш ранг машина ёқтирувчилар жамиятдаги ўрнини тўғри баҳолайдилар, бироқ мақтов ва олқишларни жуда хуш кўришади.Шу билан бирга, улар ўзларини қатъилик билан назорат қилиб туришади.Улар ҳеч қачон ҳис-ҳаяжонга берилиб, ўзларини йўқотиб қўйишмайди.

Сариқ ранг машиналарга эга бўлишни истовчилар бироз беқарор кишилардир.Улар ҳаёти давомида тўғма қобилиятларини аста-секин йўқота боришлари мумкин.Баъзан ўз кучи ва имкониятларига нотўғри баҳо бериб,қийин вазиятга тушиб қолишлари эҳтимолдан узоқ эмас.Улар одатда меҳрибон,самимий ва очиқ кўнгил кишилар бўлиб, оғир дамларда уларнинг ёрдамига бемалол ишониш мумкин.

Пушти ранг машина соҳиблари енгил табиатли булганликлари учун кўпинча, кулгили ҳолатга тушиб юрадилар.Ўзларига ортиқча ишониб юборганлари учун омадсизликларни тез-тез бошдан кечириб турадилар.

Психологик атамалар

Агрессия(aggression)—тажовузкорлик,босқинчилик, кўролмаслик,ғазаб,хусумат ҳолатлари билан кузатиладиган,шахсларга нисбатан руҳий ва жисмоний шикаст етказишга қаратилган ҳаракат.

Аёл жиноятчи шахси –кучли равишда қўзғалувчанлик хусусияти,ижтимоий муносабатларга киришишнинг қийинлиги, жазавага, асабийликка мойил шахс.Аёл жиноятчи ўз ҳатти –ҳаракатларини қаттиқ назорат қилишга, обдон режалаштирилган ҳаракатларни бажаришга амал қилади.Жиноий ҳаракатни ўта совуққонлик билан,аниқ нишонга олиб амалга оширади.

Англаган мотив – ўз фаолиятини англаб, белгилаб режалаштириб,маълум бир мақсад сари интилиши.

Англамаган мотив—ўз фаолиятини англамай, билмай, мақсадни амалга оширишдир.

Анкета усули –бу усул ёрдамида бир турдаги савол ва мулоҳазаларни гуруҳ ва жамоага тақдим этиш орқали изланиш ёки ўрганиш талаб этилаётган фактлар юзасидан миқдорий манба ва натижалар тўпланади.

Асабийлик (инглизча “stress”)—хафли ақлий ва физиологикзўриқиш бўлиб,тезкор ва муҳим вазифани бажариш эҳтиёжи туғилганда юз беради.Бунда барча психик жараёнларнинг тормозланиши рўй беради.

Аффект(ҳиссий портлаш)—кишини тез чулғаб оладиган ва шиддат билан ўтиб кетадиган жанаён.

Афферент асаб толалари ташқи олам ва тана аъзоларимиздан марказий асаб тизимига ахборот етказувчи толалар.

Аффектив рецидив жиноятчи кучли даражадаги шиддатли тажавузкор ҳаракатларга, доимий равишда инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилишга, безорилик ва бузғунчиликка мойил бўлади.Уларга юқори даражада конфликтлик,ҳиссий толерантликнинг пастлиги (қийинчиликларни енгил кучининг пастлиги), тормозланишнинг пастлиги ва юқори даражадаги қўзғалувчанлик хусусиятлари хос бўлади.

Ақлий- интеллектуал хусусият—ходимнинг ўз олдига қўйган, фаолиятда дуч келиши мумкин бўлган масалаларини англаш, психологик хусусиятларини, касб

фаолияти тухдирадиган вазиятларни, масалани ҳал этиш жараёнида шу вазият ва ҳолатни тасаввур эта олиш идроки билан белгиланади.

Ақлий фаолият хусусиятлари—воқеа,нарса,ҳодиса ҳақидаги маълумотларни олиш ва қайта ишлаш жараёни сифатида қаралиши мумкин.Уларнинг натижасида воқеа ёки ҳодисанинг фикрий модели шаклланади.

Ахлоқий фаолият хусусиятлари—фуқаролар билан бўлган муносабатларда, ҳалқ олдида ахлоқ намунаси сифатида ҳуқуқбузарларга ўз таъсирини ўтказа олиш.

Бевосита психологик тайёргарлик—касб талаб этадиган билимларни сингдириш, касбий маҳоратга эришиш йўл-йўриқларини тақдим этиш, ўргатиш.

Берилиш(влечение)—эҳтиёж ва иштиёқда намоён бўладиган англолмаган истак кўриниши.

Гипноз ёки муайян руҳий ҳолатга тушуриш— таъсир кўрсатишнинг кишилар оммасини муайян тарзда,айниқса оммавий тартибсизликлар,диний жавабалар, оммавий психозлар билан боғлиқ равишда бирлаштиручи маҳсус усули.

атиға ишониш—ўрнатилган принципларга содиқликда, аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинишда ва амалда қўлланиш жараёнига талабчанликда кўринади.

Дастлабки психологик тайёргарлик—ходимда психологик билимларни шакллантириш касбий фаолиятга тайёрлаш.

Деликвентлик – тартиб тарбиянинг издан чиқиши, тарбиясизлик, тартибсизлик,маданиятсизлик каби психик камчиликларнинг юзага келиши.

Деликвент хулқ – жамиятга зид хатти –ҳаракатлар натижасида хулқнинг биланчи оғиши.

Диққат—индивиднинг ҳиссий,ақлий фаолият ҳаракатланиш даражаси,ақлан хаёли, онгининг йўналтирилганлиги ва бир нарсага қаратилганлиги,эс –хуш тўпланишидир.

Дифференциал психология –шахсларнинг гуруҳида келиб чиқиши мумкин бўлган психологик тафовутларни, уларни келтириб чиқарувчи сабабларини ўрганадиган фан.

Дунёқараш –атроф муҳитдаги борлиққа инсон муайян тизим асосида қараши.

Ёш психологияси – шахснинг ривожланиш босқичларида психик жараёнларнинг шаклланиш қонуниятларини ўрганади.

Зўравонлик – қонун билан тақиқланган маънавий руҳий ва жисмоний зарар етказувчи ҳаракатларни шахс хоҳиш-иродасига қарши равишда амалга ошириш.

Жамоа – умумий қизиқиш, мақсад ва фаолият бирлиги асосида бир гуруҳга бирлашган ва муайян барқарорликка эга бўлган кишилар уюшмаси.

Жавобгарлик ҳисси – ўз шахсий ҳаракатларига жавобгарлик билан чегараланмай, балки жамият фикри билан умумий ишларга биргаликда жавоб бериш билан белгиланади.

Жавобгарликдан қутилиш такти – мулоқат жараёнида ходим қанчалик ҳақиқатни очишга ҳаракат қилса, жиноятчилар аксинча содир этган жиноятини яширишга ёлғон маълумот беришга ҳаракат қилиши.

Жамиятга зид хатти–ҳаракатлар -- жамоаларнинг хатти –ҳаракатлари ўрнатилган қонун ва ахлоқ нормаларига тўғри келмаслиги, шахс хатти-ҳаракатининг маълум маънода қолибдан чиқиши ва жамиятда мавжуд қонунчиликка мос келмаслиги.

Жиноий мотив --- жиноий ҳаракатнинг субъектив тарафларини тавсифлайдиган белги бўлиб, “қаст”, “қасос”, “ўч”, “рашк”,“ёмон ният”, “разиллик”,“кўра олмаслик” каби жиноий ҳаракат тушунчаларида белгиланади.

Идентификация – онгли ёки онгсиз равишда ўхшатиш орқали англаш.

Идрок— нарсa ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсир қилиш жараёнида киши онгида яхлит ҳолда акс этиши.

Истеъдод --- юқори даражада ривожланган ижодий тафаккур, умумлаштириш хусусиятининг чуқурлиги ва кенглиги, тасаввурнинг ёрқинлиги, ранг ва объектларни тез илғаш ажратиш.

Ижтимоий омил --- шахсни қуршаб турган теваарак атрофдан оладиган ўзига хос хусусиятларга асосланади. Бунда инсоннинг ижтимоийлашуви мураккаб серқирра ходиса бўлиб, ташқи муҳит таъсирида, шунингдек махсус ташкил қилинган ва онгли тарзда йўналтирилган тарбиявий ишлар асосида амалга оширилади. Ижтимоий омилнинг асосини характер хусусиятлари ташкил этади.

Ижтимоий психология --- шахсларнинг фаолиятдаги хулқ қонуниятларни гуруҳда ва гуруҳдан алоҳида ўрганувчи соҳа.

Интроверт шахс --- ўз ички дунёсига йўналтирилган. Дўстлари кўп эмас, мулоқатга киришиш хусусиятлари паст, шовқин-суронли, одам кўп жамоаларни ёқтирмайди. Сабрли, қатъиятли, ҳаракатларини олдиндан режалаштириш хусусиятига эга. Ҳиссиётларни кучли назорат қила олади.

Интилиш --- онгда шаклландан кейин, унга эришиш йўллари қидириш. Буни “хоҳиш” деб аташ ҳам мумкин.

Интизом --- жамиятда инсонлар хулқининг махсус шакли, жамиятда қабул қилинган меъёр, қоидаларга амал қилиш.

Интуиция --- билишнинг мухсус методи, изланаётган хулоса иллюзияси сифатида намоён бўлади. Онгда бир мантиқий тузилмадан аниқлик киритилиб, иккинчисига ўтиш интуиция орқали амалга оширилади, яъни интуиция қалбан, ғойибона билишдир.

Импульсив рецидив жиноятчи шахси --- ўз хатти-ҳаракатларининг келажаги ва охири кўра олмайдиган, арзимаган нарсаларга кучли таъсирланувчи ҳуқуқбузар шахс типи ҳисобланади. Жиноятни содир этиш сабаблари, мотивлари жиноий ҳаракатни оғирлаштирувчи ҳолатга мос келмайди. Улар ўз одатлари, стереотиплари ва установкаларига қатъий амал қилишади.

Ирода --- ақлий мақсадли йўналтирилган психик фаоллик ҳисорбланиб, тўсиқларни енгиб ўтиш билан узвий жараёндир. Ирода мақсадга интилишда содир бўлади ва инстинктлар манбаида шаклланади.

Ирода кучи --- қўйилган мақсадга эришиш йўлида учрайдиган барча қийинчиликлар бартараф эта олиш, айти чўғда қатъийлик, мардлик, жасурлик, чидамлик каби иродавий фазилатларни намоён қилишда юзага келади.

Ирода кўринишлари --- қатъиятчилик, ўзини тута олиш, барқарорлик, мустақиллик, илдамлик, юқори ахлоқий нормалар асосида тарбияланганлик ҳам боғлиқ. Ахлоқан ноҳуя тарбия натижасида худбин, ўз мақсадида йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган шахс шаклланади.

Ироданинг мустақиллиги --- бошқа кишиларнинг фикрларини, уларнинг маслаҳатларини ҳисобга олмаслик ушбу фикрлар ва маслаҳатларга маълум даражада танқидий қарашларни назарда тутати. Ироданинг мустақамлиги, бир томондан, ўжарликка, иккинчи томондан, эса танбеҳ беришга қарама-қарши қўйилган бўлиши мумкин.

Ирода сустиги --- қийинчиликлар олдида ожизлик, қатъийлик, сабот матонат йўқлиги, хулқ – атир ва фаолиятнинг анча юксак, маънавий жиҳатдан оқланган мотивларини шаклланмагани, бир дақиқалик майлни енга олмаслик.

Ирода фаолияти – қийинчиликларни енгишга қаратилган онгли тузилма ва ўзини ўзи бошқариш сифатида, энг аввало, ўзига, ўз ҳиссиётларига, хатти – ҳаракатларига ҳуқумронлик қилишдир.

Ирода хусусиятлари --- қалтис вазият ва ҳолатларда иродавий кучини жамлай олиш жуда катта куч ва матонат талаб этиладиган шароитларда сабрли, қатъиятли бўлиш, қийинчиликлардан қўрқмасдан уларни бартараф этиш усулларини топиш, ҳар қандай вазият, шароитда хизмат вазифасини бажаришга, касбий маҳоратни эгаллашга бутун имконияти ва диққатини тўплай олишда намоён бўлади.

Ички ишлар идоралари фаолияти психологияси --- ўз хусусиятига кура ҳуқуқий фаолиятнинг психологик қонуниятларини, ҳуқуқшунос шахс психологиясини, ушбу фаолиятни амалга оширишда алоҳида ва ўзига хос усул ва

маҳоратни эгаллаш, касбга хос ўқув ва тажрибани шакллантириш, ички ишлар идоралари тизимига, ҳуқуқий фаолият юритиш учун касбга танлаш ва жой-жойига қуйиш билан шуғулланади.

Ихтиёрий диққат -- киши фаолияти жараёнига ўз олдига маълум бир вазифа қўйган ва ҳаракат дастурини онгли ишлаб чиққанда юз беради.Хотирадан ўзи учун зарур маълумотларни фаол тарзда танлаб"ажратиб олиш"га муҳим ва жиддий нарсаларни алоҳида ажратиб кўрсатишга,тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Ихтиёрсиз диққат --- кишининг англашилган ниятлари ва мақсадларидан мустасно равишда ҳосил бўлади ва қўллаб –қувватланади.

Ихтиёрий диққатдан кейинги диққат --- мақсадга йўналтирилган фаолиятда шахс учун диққатнинг ихтиёрий тўпланганидаги каби фақат унинг мазмуни ва жараёнининг қизиқарли ва аҳамиятли бўлиши натижасида қизиқиб, киришиб кетиш хусусиятида намоён бўлади.

Ишонтириш --- бирор нарса ҳақида исботсиз тасдиқланадиган ёки инкор этиладиган хабарларни танқидий қарашсиз қабул қилишда намоён бўладиган коммуникатив таъсир кўрсатиш усули.

Иштиёқ --- маълум бир фаолиятни амалга оширишга бўлган истакнинг вужудга келиши.

Йўналганлик --- ижтимоийлашув жараёнида шахс фаолиятини йўналтириб турадиган ва реал вазиятга нисбатан турғун, барқарор мотивларнинг намоён бўлиши.Йўналганлик- шахсда мавжуд бўлган эҳтиёж, берилиш, қадриятлар, эътиқод манбаида шаклланади.

Кайфият --- кишининг бутун хатти-ҳаракатига тус бериб турадиган умумий ҳиссий ҳолат. Кайфият шод-хуррамлик,қайғулилик,тетиклик,босиқлик ,ҳаяжон,ланжлик,жиддийлик,енгилтаклик,жиззакилик ,мулойимлик ва ҳоказо тарзда бўлади.

Касбий идрок --- ходимни касбий фаолият учун аҳамият касб этадиган ҳодиса,ҳолат,объектлардан предметли равиёда керекли нарсаларни ажратиб олиб яхлитҳолатда онгида акс эттириш,оддий шахс кўра олмаган ҳолатлаодаги нарсаларни тез ва осон илғаш жараёни.Яхши ривожланмаган касбий идрок ходимда иллюзион идрок қилиш хусусиятини шакллантиради.

Касбий диққат --- нимага, қачон, қаерда, нима учун диққатни қаратиш кераклигини белгилаб берувчи хусусият ҳисобланади.Касбий диққатнинг яхши ривожланганлиги диққатнинг мақсадли ва моҳирона йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Касбий маҳорат --- ходимда тезкор хизмат вазифаларини бажариш сифати ва самарасини белгиловчи билим ва тажрибаларнинг юқори даражада шаклланганлигида намоён бўлади.

Касбий-психологик тайёргарлик --- ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маҳоратини эгаллашнинг алоҳида шакли ҳисобланади.

Касбий ривожланган тасаввур, идрок --- воқеа- ҳолатларни майда қисимлар асосида онгда қайта тиклаш, жонлантириш, бўлиши мумкин вазиятни кўз олдига гавдалантириш,жонлантириш.

Касбий тафаккур --- касбга доир масалаларни ечишга оид ҳолат ваҳодисаларнинг моҳиятини тез англаш, турли-туман ахборотлар ичида зарурини ажратиб олиш,улар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни осон аниқлаш, кўпчилик илғай олмайдиган майда нарсаларни кўра олиш,уларни турли ҳаракат,қиёфаларда образлаштириш,жонлантириш.

Касбий ривожланган тафаккур --- ходимнинг муҳим хислати бўлиб,нарсалар, одамлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларидаги касбий вазифаларни бажаришга алоқадор муҳим жиҳатларини билиш,улар ўртасидаги қонуниятли алоқаларни топиш қобилияти.

Касбий ривожланган хотира --- тезкор, узоқ муддатли,сўз мантиқли шаклда,рақам, сон, исм,фамилия,қиёфаларни тез таниб,эслаб қолиш,қайта

тиклаш(кейинчалик фарқлай олиш).

Касбий кузатувчанлик --- касбий сезгирлик, касбий идрок ва касбий диққат хусусиятлари мажмуи ҳисобланади.

Касбий кузатиш --- ички ишлар идоралари ходимининг тезкор хизмат вазифасини бажариш учун муҳим бўлган ҳодиса ва жараёнларни мақсадга мувофиқ ва муҳсус ташкил этилган тарзда идрок этиш.

Касбий кузатувчанлик --- ходимнинг шахсий хусусиятида эмас, балки табиий хусусиятига айланиб, фаолиятининг барча турларида намоён бўлишида, кузатувчанлигининг олий даражага чиққанида намоён бўлади.

Касбий куникма --- касбий фаолият талаб этадиган ҳаракатларни автоматлашган тарзда бажариш, уларни тез, тўғри, осон, сифатли ва кўп марта бажаришга шахсий имкониятларнинг мавжудлиги.

Касбий сезгирлик --- ҳис қилиш аъзоларини машқ қилиш орқали ривожлантирилади.

Касбий хотира --- ходимнинг илгари идрок этилган, амалга оширилган, бошдан кечирган, тезкор хизмат фаолиятига алоқадор ва уни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни эслаб қолиш, эсда сақлаш ва кейинчалик яна хотирада эсга тушириш хусусиятларини ифодаловчи хислат.

Касбий тафаккур --- хизмат вазифаларини ечишга аҳамият касб этадиган воқеа, ҳодиса, ҳолат ванарсалардаги умумийликни кўра олиш, таҳлил қилиш, асослаш, тахминий ҳулоса чиқара олиш жараёни.

Касбий фикрлаш --- мавжуд билим, тажрибаларни ишлата олиш, мулоҳаза, муҳокама қилиш ёрдамида ходим олдида турган масалани ҳал қилиш воситаларини излаш.

Низо --- мақсад, қизиқиш, установка ва йўналганлик хусусиятларнинг мос келмаслиги натижасида, шахслараро муносабатларда вужудга келадиган вазият.

Низоли --- шахслараро муносабатларнинг бузилиши шароитини, сабаб, мақсад ва омилларини келтириб чиқарувчи ҳолат. Унинг икки тури мавжуд бўлиб: шахсий ва ижтимоий кўринишларда намоён бўлади.

Конформлик (лотинча *conforms* – мойиллик) --- шахсларнинг гуруҳ фикрига тўғри келмайдиган хусусиятларини сусайтириши.

Кузатиш --- атайлаб режали равишда мақсаднинг амалга оширилиши учун нарса ёки ҳодисани ўрганиш ниятида идрок этиш.

Кузатиш усули --- шахс психикасининг қайси бир қонуниятларини бизни қизиқтиришини олдиндан белгилаб кузатиш дастурини тузиш, натижаларни тўғри қайд қилиш, муҳими кузатувчининг ўрганувчилар орасидаги ўрни ва вазифаси тўғри белгиланиши, аҳамиятли тарафи шахсни ўрганишда унинг муайян фаолият йўналишини ўзгартирилмаслиги билан белгиланади.

Локал тармоқ неронлари -- марказий асаб тизимининг бир участкасини бошқаси билан боғловчи нейронлар.

Марказий асаб тизими --- одамнинг ташқи муҳит ва атрофдаги бошқа одамлар билан боғланишини, муомаласини, ташқи муҳит шароитига мослашувини таъминлайди. Фикрлаш, билим олиш, ҳунар ўрганиш каби инсоний хусусиятларни бажариш.

Мафкуравий ишонч --- асоси ўрнатилган қонун, низомларга тўғри муносабат, раҳбарлар буйруғи ва ички тартибга риоя қилиш асосида ҳулқ меъёрларини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Слука --- кишининг ўзини тутиши, унинг тарбияси, жамиятдаги ўрни, ўзига баҳо бериши, атрофдагиларга бўлган муносабати.

Мантиқий эслаб қолиш --- ақлий имкониятларга боғлиқ бўлиб материал билан тўпланган билимлар ўртасида маъноли ва мантиқий алоқалар ўрнатишга асосланади.

Меланхолик темпераменти --- (қора ўт- *melanhole*) – нам мижоз, бўш, мувозанатсиз, инерт тип кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг сустлиги.

Механик усул --- эсда олиб қолинадиган маълумотларни оддий такрорлаш,

маъносини англамасдан туриб кўп марталаб идрок этишга асосланган ўрганиш усули.

Миш-миш гаплар --- воқеа –ходисалар ҳақидаги хабар бўлиб, ҳеч ким томонидан тасдиқланмаган, кишиларнинг бир-бирига етказадига оғзаки хабаридир.

Мнемотехника --- усули асосан маъносиз ахборотни билвосита эслаб қолишга хизмат қилади.

Мотив --- шахсни фаолиятга ундовчи ички руҳий туртки.

Мослашиш жараёни --- инсон ва тирик мавжудотнинг атроф-муҳитнинг ҳар қандай ўзгаришларига кўникишга бўлган ички имконияти.

Мурсага келиш--- ҳамкорлик ,ён босувчанлик даражаси ва бошқа киши манфаатларини ҳисобга олиш.

Мулоқат --- ижтимоий психологик ҳодиса бўлиб,фаолият,эҳтиёжларидан келиб чиқадиган, инсонлар ўртасида ўзаро ахборот алмашиш,идрок қилиш, тушуниб баҳолаш жараёни ҳисобланади.Мулоқат асосан фаолият кўрсатувчилар ўртасидаги ахборот алмашинувини қамбараб олади.

Мулоқатдаги мотивацион тўсиқ --- муловатдан киришишдан бош тортиш, муомала одобидан четга чиқиш.

Мулоқатдаги ақлий тўсиқ --- суҳбатдошнинг ходимга нисбатан билим доирасининг кенглиги, мантиқий фикрлашнинг чуқурлиги,хуқуқий саводхонлиги.

Мулоқатдаги тарбиявий тўсиқ --- тарбияси қийин ўсмирлар,носоғлом муҳит шароитида тарбияланган шахсларни йўналтиришнинг қийинлиги.

Мулоқатдаги эмоционал тўсиқ --- агрессия,қурқув, асабийлик,ўзини тута олмаслик ва ҳақлигини исботлашга асоссиз ҳаракат қилиш.

Оломон --- ўзининг психологик жиҳатидан келиб чиқишига кўра, ҳеч ким томонидан ташкил этилмаган кишилар хатти-ҳаракатининг тартибсиз йиғиндиси.

Оммавий тартиб бўзарликлар --- уюлмаган бир гуруҳ шахслар,омма ичидаги айрим шахсларнинг хулқ-атвор қонуниятлари асосида амалга ошади.

Онг --- объектив фаолиятнинг юксак даражадаги ижтимоий муносабатлар ва фаолият асосида психикада акс этиши.

Норасмий гуруҳ --- ўзининг ягона умумий мақсад интилишлари мавжуд бўлган, кишиларнинг ўз хоҳиши билан тузилган гуруҳ ёки жамоа.

Нутқ --- кишиларнинг тил воситасида ўзаро муносабатда бўлиш жараёни.

Психика --- атроф-муҳитдаги борлиқнинг бош мияда акс этиши асосида шахс хулқининг шаклланиши жараёни олий онгли фаолият ҳисобланади.

Психология --- инсонларнинг руҳий фаолиятлари механизмлари ва қонуниятларини ўргатувчи фан йўналишларидан бири ҳисобланади.

Психология --- (psycho юнонча “руҳ”маъносини англатади) фан йўналиши сифатида,инсон психикасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

Психогигиена --- инсоннинг руҳий саломатлигини сақлаш мақсадида унинг психик хусусиятларининг оптимал(қулай) ривожланишига шароит яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, ўзаро шахсий муносабатлар ўрнатишда психологик мўътадил иқлимни вужужга келтириш ,инсон психикасини атроф-муҳитдаги зарарли таъсирларга чидамлилиқ даражасини ошириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқади.

Психопрофилактика --- руҳий-асаб касалликларининг олдини олиш, касалликнинг рецидив белгиларини аниқлаш, даволаш-профилактика, реабилитация ишларини олиб бориш,нохуш ижтимоий оқибатлар ва ногиронлиқнинг олдиниолиш билан шуғулланади.

Психик жараёнлар --- “психик ходисаларнинг ҳаракати”(билиш, сезиш,хотира,тасаввур,диққат ва тафаккурдир), улар қисқа муддатли кечиши билан фарқланади.Ҳеч бир психик жараён ўзича,алоҳида, кўп ёки камроқ вақт оралиғида рўй бера олмайди.

Психик ҳолатлар --- “психик фаолиятнинг айна дамдаги барқарорлик даражаси”икки хил кўринишда намоён бўлиб – ҳиссий ҳолатларда: чарчоқлик,кайфиятнинг тушкун ёки аъло даражада

фаоллиги,пассивлик,асабийлик,хайрихоҳлик,бефарқлик каби иродавий ҳолатларда:қатъият,мардлик,принципиаллик.Психик ҳолатлар психик жараёнларга нисбатан узоқ муддатлидир.

Психик хусусиятлар --- шахснинг ўзига хос муайян психик фаолияти даражасининг барқарорлигини таъминловчи энг барқарор психик кўриниш.Психик хусусиятлар шахсда индивидуал яъни ўзига хос ва такрорланмас шаклда намоён бўлади,булар йўналганлик,темперамент,характер,қобилиятдир.

Психологик тайёргарлик --- қалтис ва ҳафли шароит,вазиятларда самарали фаолият юритишни таъминлаш мақсадида ички ишлар идоралари ходимларида психик барқарорлик хусусиятларини шакллантириш жараёни.

Периферик нерв тизими --- одам танасини барча хужайра,тўқима, тана аъзолари ва тизимларининг ишини бошқариш,тартибга солиш ва уларнинг бири-бири биланбоғланишини таъминлаш.

Принципиаллик --- ақидаларга содиқлик,ирода хусусиятлари намоён бўлади,булар:қатъият,жавобгарлик ҳисининг юқорилиги,кўзланган мақсадга эришишда самарадорлик кўрсаткичининг юқорилиги.

Расмий гуруҳ --- давлат ёки раҳбарият томонидан ташкил этилган гуруҳ,жамоа.

Релаксация --- тана ва руҳнинг биргаликда ишлашга тайёрланиши,релаксация пайтида ўз ички овозини эшитиш ва уни тана аъзоларига,тафаккур фаолиятига таъсирини ҳис этиш.

Рефлекс --- ташқи ва ички муҳит таъсирига инсон тана аъзоларинг асаб тизими орқали юзага келадиган жавоб реакциясидир.

Рефлексия --- мулоқат жараёнида шахснинг ўзини идрок қила олиши,яъни бошқа инсон тарафидан идрок қилинаётганини англаш.

Рецидив жиноятчи шахси ---криминал оламида ноижтимоий кўринишдаги юқори даражада анланган жиноий ҳаракатларга мойил шахс.

Роль --- жамоа томонидан қўллаб-қувватладиган,шахсдан кутиладиган ва жамоада белгиланган мавқега эга ҳулқ меъёри.Роль- жамоа етакчиси ёки шахс томонидан белгиланади, танланади.

Руҳий хасталикка шубҳа --- шахсни ота-онаси ёки яқинларидан бирининг руҳий хасталикка чалингани ёки ривожланишда ўз тенгдошларидан ортда қолганлиги (ёшига нисбатан ақлий,жисмоний ривожланмаган),мактабда синфда қолганлик,мактаб ёки армия шароитига яхши мослаша олмаганлик ҳолатлари (мослашиш даражасининг пастлиги)келажакка бефарқлик (ўқиш изланишнингйўқлиги),дайдиликка мойиллик,паришонлик, фикрини жамлай олмаслик.

Руҳий хасталикнинг бирламчи аломатларига --- ақлий интеллектуал хусусиятларнинг саёзлиги,оддий ҳаётий масалаларни ечиш,уларнинг ечишдаги оғирлик,умумлаштириш хусусиятининг йўқлиги,вазият ва ҳолатда муҳимини иккинчи даражалисидан ажрата олмаслик , онгли фаолият юритишнинг сустлиги(секин қарорга келиш, бошқаларнинг фикрига муҳтожлик).

Сангвиник темперамент --- (қон-sadus- иссиқ мижоз)кучли, мувозанатли,ҳаракатчан(жонли) тип бўлиб қўзғалиш ва тормозланиш жараёнининг ҳаракатчанлиги,уларнинг тез ўрин алмашиши хос.

Сезги --- оддий психик жараён бўлиб,оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятларининг тегишли рецепторларига бевосита таъсир натижасида тана аъзоларида ҳосил бўлади.Сезгилар инсонга ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг баъзи дастлабки хусусиятлари ҳақида ахборот беради.

Сенсор (сезувчи нейронлар)—нерифериядан марказий асаб тизимига импульс ўтказилишини таъминловчи нейронлар.

Стереотипизация --- инсонни кўпинча ҳулқ*-атвор шакллариини ўхшатиш йўли билан тушиниш.

Суҳбат усули --- бу усул шахсни ўрганишбосқичининг энгаввалида қўлланилса, умумий йўналиш олиш учун керакли ишчи гипотеза (тахмин)ларини

туплаш (йўналиш олиш) осон бўлади.

Тажовузкор хулқ — инсоннинг юқори даражада ховотирланиши, ўзини юқори баҳолаши, ўз манфаатларини ўйлаши, қаҳирлилиқ, қийинчилиқларга бардош беришнинг қийинлиги, ҳиссий ҳамдардликнинг йўқлиги, ижтимоий идентификация жараёнидаги нуқсонлар каби салбий хусусиятлари мажмуи.

Талант — юқори даражада ишчанлик, тинимсизлик, ижодий самарадорлик, эскирган одат ва меъёрларни осон енгиш, фан ва санъат соҳаларида илғор янгиликлар, ютуқларни татбиқ этиш.

Тафаккур — воқеликнинг умумийлаштирилган, бевосита, тўлиқ ҳамда энг аниқ ифодаси. Тафаккур жараёнларида фикрлар, муҳокамалар ватушунчалар вужудга келади. Идрок ва тасаввурларда акс этадиган нарса тафаккурда таққосланади, таҳлил қилинади, умумлаштирилади.

Тафаккур аниқлиги, аниқ тафаккур — кўпроқ мақсадли тафаккур деб ҳам юритилади. Бунда фикрни аниқ бир мақсадга тўплаш ва йўналтириш, ташқи таъсирларга берилмасдан танлаган йўлдан адашмаслик хусусиятида намоён бўлади.

Тафаккурнинг динамиклиги, динамик тафаккур — масала юзасидан белгиланган ечимни қийинлаштирадиган ёки мавҳумликка етаклайдиган ҳолатларга дуч келганда фикр йўналишини ўзгартиришда намоён бўлади.

Тафаккур кенглиги, кенг тафаккур — нарса ва ҳодисалар атрофидаги кўплаб мулоҳаза ва фикрларни диққат марказида ушлаб туриш хусусияти.

Тафаккурнинг мавҳумлиги, мавҳум тафаккур — вазият ва ҳолатда келиб чиқиши мумкин булган салбий тарафларни кўра олиш, уларнинг солиштирама акс таъсирини мавҳумлаштириш хусусияти.

Тафаккурнинг мантиқийлиги, мантиқий тафаккур — фикрлашда "мантиқий занжир" яратиш орқали қарор қабул қилиш.

Тафаккурнинг мустақиллиги, мустақил тафаккур — қарор қабул қилишда вазият, ҳолат юзасидан масаланинг янги йўналишини топиш, уни мустақил равишда ечишга интилиш ва ҳал қилиш хусусиятида намоён бўлади.

Тафаккурнинг объективлиги, асосли (объектив) тафаккур — воқеа ҳолатни тўлиқ ўрганган ҳолда асосли қарор чиқариш.

Тафаккурнинг тахминийлиги, тахминли тафаккур — қарор чиқаришда тахминий режа асосида ҳаракатланиш хусусияти.

Тафаккур тезлиги, тезкор тафаккур — қисқа муддатда аниқваасосли қарор қабул қилиш, унинг ечимини тез топиш талаб этиладиган зарур, унинг ёрдамида ҳафли вазиятдан тез чиқиш мумкин. Жамикий ақлий операцияларда, турли усул ва фактларни вақти важойида ишлата олиш хусусияти.

Тафаккурнинг ижодийлиги, ижодий тафаккур — ишга ижодий ёндашиш, нимага эътибор қаратиш лозимлигини англаш, фикрларнинг динамиклиги ишнинг йўқори унумдорлигини белгилайди.

Тафаккур чуқурлиги, чуқур тафаккур — нарса ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини англаш, уларни вазиятга мос равишда умумлаштириш хусусияти.

Тасаввур — илғари идрок этилган, аммо айна вақтда бевосита идрок этилаётган нарса ва ҳодисаларнинг инсон миясида қайта ишланиб, тикланган ҳиссий образи.

Ташкилотчилик тарафи — инсонларни фаолиятида жамлай олиш, яъни умумий қизиқишлар асосида вазифаларни бажартириш хусусияти.

Терроризм (лотинча даҳшат) — ўз кўринишларида: портлаш, ўт ёқиш, радиоактив ва кучли таъсир этувчи моддалардан фойдаланиш, авария ва фалокатли ҳолатларни келтириб чиқариш, ҳаётий муҳим объектларга ҳаф солиш, инсонларнинг ҳаётига таҳдид солувчи вазиятларни уюштириш, моддий ва маънавий зиён, заҳмат етказишга уриниш, жамиятда ўрнатилган ижтимоий тартиб ва меъёрларни бузишга ундаш, давлат ваколатли идоралари ва ходимларини давлат аҳамиятига эга бўлган қарорларни чиқаришда тазйиқ кўрсатишга қаратилган жиноий ҳаракат.

Террорчи, бевосита ташкилотчи — маълум маънода барқарор ва совуққон тип, аниқ террорчилик ҳаракатлари, олдиндан ўйланган ва режалаштирилган фаолиятни ғоявий таъминлаш билан шуғулланишади.

Ёлловчи террорчи — шахсларни террорчилик ташкилоти, ҳаракатларига жалб қилувчилар. Юқори даражада, тез ва осон психологик алоқа ўрнатишга мойил, шахсга психологик таъсир этиш куникмаларига эга, ишонтириб (гипноз орқали) таъсир қилиш билан ажралиб туради. Ушбу тоифадагилар террорчилик ташкилотларидаги энг кучсиз бўғин ҳисобланиб, уларнинг режаларида таъсирга тез берилувчи одамларни аниқлаш ва топиб уларга психологик таъсир этишдан иборат.

Террорчи-мафкуравий фанат — террорчи шахслар ичида энг хафли типи бўлиб, ўзининг шахсий эътиқодларини (диний, мафкуравий, сиёсий) ва хатти-ҳаракатларига шунингдек, ўз дунёқараши асосида инсонлар тақдирини бошқариш мумкин деб ҳисоблайди.

Темперамент- (лотинча “temperamentum” сўзидан олинган бўлиб, қисимларнинг тегишли нисбати деган маънони англатади) — психиканинг индивидуал, жиҳатидан ўзига хос, табиий жиҳатдан мутаносиб динамик кўринишлари мажмуи.

Манқурт террорчи тип — бу тоифадаги шахс ўз жонига қасд қилиш вазифаларини идеал тарзда бажариши билан ажралиб туради. Дастурланган қурол сифатида, юқори даражада таъсирчанлик, яъни таъсирга бўйсундириш асосида ҳаракатланади. Вазифани бажаришда тез ва осон йўналиш олади, фикрлайди, ташвиш-ховотир даражаси бундай типда кузатилмайди, демак қурқувни ҳам ҳис қилмайди.

Мураббий террорчилар — ҳаракатларни тайёрловчилар билан бир йўналишда фаолият кўрсатадиган бу шахслар террорчилик фаолиятининг барча мутахассисликлари бўйича инструкторлик фаолияти билан шуғулланадилар. Одатда улар бойлик гирдобига тушган собиқ махсус хизмат ходимларидир.

Намоишкорона террорчи типи — очикчасига жанговар, бошқарувчанлик хусусиятига эга, мақтанчоқ ва ўзини яхши кўрувчи “довюрак-жангчи” кўринишидаги шахс. Нарса ва ҳодисаларга салбий қараш асосида фаолият олиб боради.

Тажавузкор террорчи типи — ушбу тоифадаги шахслар зўрлашга, ўлдиришга, ҳамма нарсаларни бўзиш ваҳаммани кўрқитишга хос тажавузкор эҳтиросга эга бўладилар. Террор-эмоционал қониқишнинг асосий усули ҳисобланади. Ушбу категориядагиларни қуйидаги типга бўлиш мумкин: “қотиб қолган” (отморозки) умуман маънавиятсиз, ваҳший, рағбатлантириш учун ишловчи, яъни бундай шахсларга кимни суйиш, кимни отиш барибир.

Технолог террорчи — террорчилик ташкилотларининг аъзоси бўлиб, уларнинг асосий вазифаси террорчилик ҳаракатларини техник жиҳатдан таъминлаб бериш. Аниқ террорчилик хатти-ҳаракатларини содир этиш учун шарт-шароит тайёрлаш, портловчи мосламаларни яратиш соҳасидаги техник ҳамда бошқа малакаларга эга, илм-фан ютуқларидан хабардор шахслар.

Террорчи ҳаракатларини тайёрловчи — асосан собиқ махсус хизмат ходимлари бўлиб, улар икки ёки ундан ортиқ давлатларда махсус хизматларда тайёргарликдан ўтган шахслар. Уларда узоқ йиллар давомида қўпоровчилик, баъзан эса анти-террорчилик фаолият билан шуғулланиш натижасида террорист шахсларга хос бўлган психологик сифатлар махсус шаклланган бўлади.

Мутассиб террорчи — террорчиларнинг энг хафли типларидан бири бўлиб, улар, террорчилик ҳаракатларини содир этишга, ўз ўлимига олдиндан тайёр бўладилар.

Қасоскор террорчи — асосий мотиви ўзи учун, яқинлари ёки дўстлари ҳамда эътиқоддошлари учун қасос олиш бўлган тип. Улар ичида кўпроқ ўспиринлар ва аёллар учрайди.

“Шахид” террорчи — бунга қарор қилган шахслар ўз жонини қурбон қилишни таклиф қилмайдилар. Уларни махсус “руҳий мураббийлар” ёки етакчилар баъзи

шахсга хос хусусиятлар асосидатанлаб олиб ихтиёрий –мажбурий равишда бўйсундириш, яъни узоқ муддатга режалаштирилган руҳий тайёргарлик жараёнларидан ўтказадилар.

Темперамент --- психика-индивидуал жиҳатдан шартлашган динамик кўринишлари мажмуи.

Туғма омил --- ҳар бир инсонга тегишли бўлган биологик ирсиятлар, келажакда дунёга келадиган индивид, инсон шахсининг шаклланиши учун хом ошё бўлиб хизмат қилади. Туғма омил асосан темперамент, қобилият ва йўналганлик хусусиятларидан таркиб топади.

Тест усули --- шахснинг маълум вазият ва ҳолатга муносабати, мослашиш даражаси, дунёқараши, иродаси, унинг кучи, ҳиссиётлари, уларнинг барқарорлиги, қўзғалиш кучи ва даражаси, таъсирланиш объектлари ва умумий шахс психикаси тизими тўғрисида тўлиқ ахборот олиш.

Умумий психология --- психологиянинг йўналиши Homo sapiens, яъни индивид билан боҳлиқ муаммоларни ҳал қилувчи, ўрганувчи, фундаментал билимлари мажмуи.

Фаолият --- мақсадга эришиш йўлида у ёки бу чораларни мотивлаштириш орқали иш жараёнини амалга ошириш.

Фаолиятнинг изланувчан тарафи --- жиноятчилик изидан борганда, жанжал, келишмовчилик вазиятларда асабланувчиларни қидиришда олинган нотўғри ахборотни таҳлил қилишда мавжуд маълумотларни текшириб, ўрганиб, хулоса чиқариш ҳал қилиш жараёнида керак бўлади.

Фаолиятнинг ижтимоий билиш тарифи --- турли шахслар билан мулоқат ўрнатишга кўп тўқнаш келишни инобатга олган ҳолда танланган йўналишда илғор технологияларни ўрганиш, бир ерда тухтаб қолмаслик, изланувчанлик, сўзамоллик, тарбиявий ишларни олиб бориш қобилиятини шакллантириш.

Фаолиятнинг ишонарли тарафи --- фуқаролар билан тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришда асосий воситалардан бири қонун талабларига ва жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор қоидаларига риоя этиш, шахснинг иродавий хусусиятлари яхши ривожланганда муваффақиятли амалга ошади.

Фаолиятнинг коммуникатив тарафи --- ходимнинг ҳар қандай вазиятда фуқаролар билан яхши муносабатлар ўрнатишга, уларда яхши таассурот уйғотишга интилиши.

Фаолиятнинг конструктив тарифи --- содир этилаётган жиноятларни очиш, уларнинг олдини олишга қаратилган тарбиявий –профилактик ишларни режалаштириш борасида тафаккур фаолияти.

Фаолия психологияси --- касб қонуниятларини билишда назарий ҳолатлар ва тажриба усулида олинган маълумотларга таянган ҳолда изланиш олиб боради.

Фаолиятнинг ташкилий тарафи --- иродавий ўзини тута билиши, бошқа шахсларни ҳам қўллаб-қувватлаш, аҳоли ёрдамидан унумли фойдаланиш, муҳими, ходим кўпроқ ташкилотчилик фаолиятини амалга оширишда, кимга, қачон, қандай ёрдам беришни билиши кераклигида намоён бўлади.

Флегматик темперамент --- (flegma—балғам совуқ) кучли, мувозанатли, инерт, босиқ тип. Қўзғалиш тормозланиш жараёнлари суст, секин ўрин алмашади.

Фикрлай олиш --- ходимнинг ўз олдидаги вазифаларини ҳал этишда ўз билимлари, тажрибасини қўллаб олиши, ўйлай, фикрлай олиши, муҳокама қила олиши.

Фрустрация(ноиложлик)— ўйланган режа амалга ошмаганда, кўзланган мақсадга эришмаганда юз берадиган ҳолат. Фрустрация ҳолати шахс ўзини йўқотиб қўйиши, яъни жабирланувчи жиноятчига қаршилик кўрсата олмаслиги натижасида, жиноятчи кўзлаган мақсадига етиша олмаганида, кутилмаган турли тўсиқга дуч келганида юз беради.

Хаф--- ҳуқуқбузар ҳулқининг ўзгариши, табиий офат, фавқулодда, тасодифий ҳолатларда ёки фалокат юз бериши олдидан, руҳий, физиологик зарарнинг келиб

чиқишини, бахтсиз ҳодиса, ўлимнинг юз беришини ҳис қилишини ўзида акс эттирувчи стресс омил.

Хаф-хатарга турғунлик --- ўзига ҳос имоционал иродавий хусусиятлар турли ҳодимда турлича кечади.

Характер — грекча "charakter" --- "хусусия" "белги" деган маъноларни англатади — кишининг жамиятда яшаб ўрин эгаллайдиган алоҳида хусусияти.

Шахсда муҳит, тарбия таъсирида шаклланиб, таркиб топган унинг иродавий фаоллигида атрофдагиларга, меҳнат буюмларига ва ўзига бўлган муносабатиди намоён бўлади. Характернинг таркиб топишида кишининг атроф муҳитга ва ўзига, бошқа кишиларга бўлган муносабати муҳим ҳисобланади ва бу муносабатлар характернинг энг муҳим хусусиятларини тавсифлаш учун асос бўлади.

Характер мустақиллиги --- шахсдаги ташаббускорлик, танқидий кўз билан қараш, диққат кучи, эътиборлилик, маъсулиятлилик, интизомлилик хосдир.

Характер хусусиятлари --- шахснинг ўзигагина хос бўлган доимий барқарор хусусиятлари.

Характернинг шаклланиши --- шахснинг шаклланиши даражасига кўра турли гуруҳларда мавжуд турли хил шароитлар (оилада, дўстлар доирасида, меҳнат ёки ўқув жамоасида) билан қўшилган ҳолда юз берадиган жараён.

Ҳаракатланучи нейронлар --- марказий асаб тизимидан тўқималарга импульс ўтказувчи нейронлар.

Хаёл --- психик жараён сифатида бирор ишни бошламасдан олдин унинг натижасини тасаввур қилиш.

Ҳодимнинг тафаккури --- янги ва мураккаб тезкор хизмат вазифаларини бажариш, амалий муаммоларни ҳал этишнинг янги йўллари топиш қобилияти.

Ҳодимнинг ҳиссий-иродавий барқарорлиги --- мураккаб вазиятларда муваффақиятли ишлаш учун қулай бўлган психик ҳолатни вужудга келтириш қобилияти,

Хотира --- индивиднинг ўз тажрибасини эсда олиб қолиши, эсда сақлаш ва кейинчалик уни яна эсга тушириши.

Холерик темперамент — (chole — ўт сафро қуриқ мижоз) кучли мувозанатсиз, ҳаракатчан тип, кўзғалиш жараёнлари тормозланишдан устун.

Ҳиссиёт --- шахснинг атрофдаги воеа — ҳодисалардан таъсирланиш натижасида вужудга келадиган юқори даражадаги эмоционал ҳолатининг ташқи ифодаси.

Ҳиссий билиш --- юзага келган бу маълумотлар идрок шаклида қайта ишлаш, янги юксак ҳиссий билиш шаклида тасаввурнинг вужудга келиши.

Ҳиссиёт хусусиятлари --- ўз кучи маҳоратига ишониш, жиноятчиликка қарши кураш жараёнида учраши мумкин бўлган объектив васубъектив тўсиқларни ечиш учун ўз ҳиссиётларини бошқара олиш, ижтимоий тенглик ва қонун ғалаба қозонганда қониқиш сезиш.

Ҳуқуқ психологияси --- инсон онгида фаолиятнинг ҳуқуқий тарафлари англаниши, психика томонидан назорат қилиниши, ўзининг ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳулқини тузишини ўрганадиган фан.

Ҳуқуқий англандан ҳулқ --- ҳуқуқий меъёрлар билан назорат қилинадиган ҳулқ.

Ҳуқуқбузар шахс --- белгиланган шаклдаги жиноий ҳаракатни амалга ошириш имкониятини берувчи шахсга хос типологик хусусиятлар мавжуд тип.

Ғазабнок қотил --- доимий равишда тажавуз қилишга моил, куч ишлатишга, таҳқирлашга йўналган қотил.

Ғаразли жиноятчи --- ўз психологик хусусиятига кўра кўпинча мол дунё орттириш, ижтимоий мавқега эга бўлиш, қилаётган ҳаракатларни тўғри баҳолай олмаслик, жамиятда ўрнини топа олмаганлигида бошқаларни айблаш кабиларда намоён бўладиган тип. Фақат ўзини ўз манфаатларини ўйлаш, жамиятдаги меъёрларини тан олмаслик, ижтимоий талабларни ўз эҳтиёж ва имкранияларида мослаштиришда намоён бўлади. Муҳим хусусиятларидан бири — мақсадга эришиш

йўлидаги ғаразли ниятларнинг барқарорлиги.

Юридик психология — психологиянинг суд,криминал ва ҳуқуқ психологияси йўналишларини қамраб оладиган соҳаси.

Экстравертлар — асаб фаолиятининг тузилиши ташқарига йўналтирилган,доимий равишда ташқи тарафдор рағбатлантириб туришни талаб этадиган тип.Улар янги таассуротларга интилувчан,жамоага муҳтожлик сезадилар.Ўта муомалали,хулқ меъёрларидан чегараланмаган,фаол,беташвиш,сергап,баъзида тажавузкорлик хилати намоён бўлади(агрессия).Ҳиссиётларини кўпинча назорат қила олмайдилар.

Экспремент методи — бу усул ёрдамида синалувчига нисбатан қўлланилаётган ташқи таъсирларга унинг психикжараёнларининг акс таъсири, боғлиқ томонлари ўрганилади.

Эмоция— атрофдаги воқеа-ҳолатларга,борлиққа бўлган муносабатларнинг психикада акс этиш шакли.

Эмоционал кўзғалиш — турли руҳий таъсирларга асаб тизимининг кучли сигнал кўзғалуви.

Эмоционал зўриқиш — ҳиссий иродавий фаолликнинг бирор ақлий ёки жисмоний ҳаракатни бажаришга қаратилиши.

Эмоционал танглик — кучли салбий ва керагидан ортиқ руҳий таъсирлар натижасида психик ва психомотор жараёнларининг пасайиши ,иш фаолиятининг сусайиши.

Эмоционал танглик ҳолати — топшириққа нисбатан кучли жавобгарликни ҳис қилиш,хафли вазиятнинг келиб чиқишини кутиш,ташвиш-ховотирдаражасини ортиб кетишидан кузатилади.

Эмоционал рецидивист жиноятчи — барқарор доминант салбий эмоционал ҳолатга(алам,қасос,рашикка)мойил жиноятчи.Кучли ғаразли хотира,кўра олмаслик ,шавқатсизлик,бераҳимлик узоқ муддат давомида жиноий ҳаракат режасини тузиш,амалга ошириш усул ва воситаларини танлаш ва мақсадга эришиш йўл йўриқларини таҳлил қилиш билан фарқланади.Жиноий ҳаракат ўта шафқатсизлик ва бераҳимлик билан содир этилади. Улар ғаразли безорилик,зўрлик,қотиллик ҳаракатларини содир этишга мойил бўлишади.Жиноий ҳаракатларни амалга оширишда ҳиссиётсиз,шафқатсиз,қаҳирли бўлишади.

Эмоционал ҳолат — шахс ҳиссиётларининг таркиби,сифати,динамикасини тавсифловчи ҳолат.

Эфферент асаб толалари — марказий асаб тизимидан периферияга(тана аъзолари,тўқима,мускулларга)сигнал олиб келувчи тола.

Эътиқод — шахс онгида мавжуд қадриятлар асосида анланган истак ва хоҳишларга амал қилиш.

Эҳтиёж — яшаш,ҳаёт кечириш учун моддий,маънавий объектларга талаб сезиш , танлаш фаоллиги асосида шаклланади.

Шартли рефлекслар — турмуш тажрибаси асосида пайдо бўладиган рефлекслар.Малака ва одатлар вужудга келишининг асаб-физиологик асоси.Уларнинг маркази бош мия ярим шарлари пўстлоғида жойлашган.

Шартсиз рефлекслар— инсон танасидаги муҳим ҳаётий жараёнларни таъминлашга қаратилган рефлекслар бўлиб,асаб тизимининг пастки қисимлари, яъни орқа,узунчоқ ўрта,оралиқ миядаги асаб марказлари иштирокида пайдо бўлади.

Шахс — ўз”Мен”лигини,англаганахлоқи хатти-ҳаракатлари билан жамиятда белгиланган алоқа ва муносабатлар орқали ўзига ва атрофдагиларга таъсир эта оладиган индивид.

Шахсий низо — ўз шахс билан курашиш натижасида келиб чиқадиган,ижтимоий муҳитга қарши чиқиш, қарор қабул қилишнинг сустлигида акс этувчи кучли салбий кечинмалар.

Шахсий хафсизлик — ички ишлар идоралари фаолиятида вужудга келадиган хафли,қалтис вазиятларда хизмат вазифаларини самарали амалга ошириш учун

қўлланиладиган тактик,хуқуқий,руҳий ҳимоялар тизими.

Шахс хулқи --- ақлий,ҳиссий ва иродавий соҳаларда намоён бўладиган хатти –ҳаракатлар мажмуи.

ақлий соҳада--- “фаолиятда ва ўз-ўзидан йўналиш олиш” билан бирга психиканинг онгли бошқарилуви тушунилади(сезги,идрок,тасаввур,хаёл ,хотира,диққат,тафаккур ёрдамида):

ҳиссий соҳада ---шахснинг борлиқдаги бирор ҳолат ёки предметга бевосита ёки билвосита ижобий ёки салбий муносабатида кўринади.

иродавий соҳа --- шахс хулқининг мақсадга эришиш йўлида жисмоний ва фаоллигини ихтиёрий равишда амалга оширилишида аҳамият касб этади.

Қадриятлар ---шахсда шаклланиб улгурган барқарор истаклар.

Қарор қабул қилиш қобилияти --- вазият,ҳолатда ўз хатти-ҳаракатларини режа асосида амалга ошириш хусусияти.

Қатъият --- ироданинг индивидуал хусусияти бўлиб, мустақил равишда маъсулиятли қарор қабул қилиш ҳамда уни фаолиятда сўзсиз амалга ошириш қобилияти ва малакаси билан боғлиқ.Қатъиятли инсондабошланғич мотивлар кураши зудлик билан бир қарорга келиш, топшириқни ижро этиш билан тугалланади.

Қатис вазият --- инсон ҳаёти,соғлиғи учун хафли,руҳий зуриқиш ҳолатини келтириб чиқарувчи вазият бўлиб,табиий ва техник ҳарактерга эга.

Қобилият --- муайян шахс фаолиятини самарали амалга ошириш шarti бўлиб,бунинг учун зарур билим,кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал –психологик хусусиятдир.

Қобилият хусусиятлари --- қобилиятларнинг эрта кўринишларининг мавжудлиги:билим ва кўникмаларни тез уқиб олиш,ҳар қандай фаолият билан шуғулланишга мойиллик.

Ўзини-ўзи ишонтириш --- ички образларни онгда акс-садо сифатида сўзлар ифодасида,бир неча марта такрорлаш.

Ўзини англаш --- шахсда мавжуд турғун хусусиятлар асосида ўзининг атрофдагиларга, атрофдагиларнинг эса ўзига бўлган муносабатини англаш шакли ҳисобланади.

Ялқовлик --- кишининг қийинчиликларни енгишдан бош тортишга интилиши, иродавий куч –ғайрат сарифлашни қатъий равишда истамаслиги, ирода сустлигининг энг типик кўринишидир.

